

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Термиз давлат университети

Педагогика факультети

Мактабгача таълим кафедраси

ДЕФЕКТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

фанидан

(маърузалар матни технологияси)

(Бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишининг

4-босқич талаблари учун мўлжалланган)



Тузувчи: кат.ўқ. Хасанова З.

Термиз-2013

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

Педагогика факультети Мактабгача таълим кафедраси

«Тасдиқлайман»

Педагогика факультети
декани доц. Мирзаев .М

« _____ » _____ 2013 й

«Тасдиқлайман»

Мактабгача таълим кафедраси
муdiri доц Норбошева М.О

« _____ » _____ 2013 й

«ДЕФЕКТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ»

фанидан ўқув – услубий мажмуа

(Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишининг

4-боскич талаблари учун мўлжалланган)

Ушбу ўқув – услубий мажмуа Мактабгача таълим кафедрасининг
“ 28 ” август 2013 йил № 1 - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва
фойдаланишга тавсия этилди.

Аннотация

«Дефектология асослари» бакалаврият йўналиши:

5141600- Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари учун маърузалар матни сифатида яратилган. Ушбу йўналишнинг ўқув режасида худди шу номли курс мавжуд.

Мазкур маърузалар матнида жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг психофизиологик ривожланиш хусусиятларини, улардаги нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари, турлари кўриб чиқилган. Мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари орасида учрайдиган ривожланишида нуқсони бўлган болаларга дифференциал ва интеграциялашган, инклюзив таълимни ташкил этиш йўли, усули ҳамда ташкилий томонлари баён этилган.

Мазкур маърузалар матни Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари учун мўлжалланган. Ундан касб-хунарга йўналтирувчи ташхис маркази ходимлари, педагогик касб-хунар коллежи талабалари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва дефектологлар ҳам фойдалана олишлари мумкин.

Тузувчи:

к.ўқ. Хасанова З.Т.

Такризчилар:

доц. Норбошева М.О

п.ф.н. Рахматуллаев А

1- МАВЗУ: ДЕФЕКТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда дефектология фани, унинг предмети, мақсади, вазифалари, методлари ва усуллари хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Хар қандай жамият ўз фарзандлари хар томонлама етук, комил инсон бўлиб вояга етишига, муносиб фуқаролар бўлиб, давлат тараққиётига, гуллаб яшнашига ўз улушларини қўшишларига ҳаракат қилади, умид боғлайди.

Ўзбекистонда дефектология — махсус ёрдамга мухтож жисмоний ёки психик камчиликлари бор болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларини ўрганадиган, уларнинг таълим тарбияси билан шуғулланадиган фандир.

1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 2 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Дефектология фани, унинг предмети, мақсади, вазифалари 2. Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни олдини олиш, бартараф этиш, коррекциялаш, компенсациялаш 3. Инклюзив таълим, ижтимоий адабтация, реабилитация ишлари.
Уқув машгулотининг мақсади: Талабаларга уқув курси хақида тулик маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Уқув фаолияти натижалари
➤ Дефектология фани нимани ўрганади? Деган саволга жавоб бериш.	➤ Дефектология фани хақида бошлангич маълумотга эга бўлади.
➤ Дефектология фанининг предмети нимани ўрганади? Деган саволга жавоб бериш.	➤ Дефектология фанининг предмети тушуниб олади
➤ Дефектология фанининг мақсади ва вазифалари нимадан иборатлигини билиш.	➤ Дефектология фанининг мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни олдини олиш, бартараф	➤ Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни олдини олиш, бартараф

этиш, коррекциялаш, компенсациялаш хакида билимга эга булиш.	этиш, коррекциялаш, компенсациялаш хакида билим ва тасаввурга эга булади.
➤ Инклюзив таълим, ижтимоий адабтация, реабилитация ишлари хакида куникма хосил килиш	➤ Инклюзив таълим, ижтимоий адабтация, реабилитация ишларининг узаро фаркини ажратиш имкониятига эга булади.
Таълим методлари:	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, гурухларда ишлаш, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Укитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар Билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мулжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вакти	Фаолият мазмуни	
	Укитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган уқув ишланмалар Билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Нима сабабдан дефектология фанининг муаммолари қупайиб бормокда? ➤ Дефектологиянинг қайси соҳалари буйича нуқсонлар сони ортиб бормокда? ➤ Ривожланишида нуқсони бўлган болага психологик-педагогик тавсия бериш мумкинми? ➤ Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш мумкинми?	Саволларга жавоб беришади
	➤ Дефектология фанининг муаммолари мавзусида блиц-суров утказди	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация қилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб уз

	➤ Презентация жараёнида талабалар Билан биргаликда хар бир гурухнинг жавоблари тахлил килиниб, камчиликлари тулдирилади.	жавобларини шархлашади. ➤ Эксперт гурухи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Якуний кисм (10 мин)	➤ Мазуни якунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алохида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни урганиб келиш топшириги берилади.	➤ Эксперт сифадида иштирок этишади ➤ Топширикни ёзиб оладилар.

1993-йил 1-декабрда 153 мамлакат бола ҳуқуқлари ҳақидаги конвенцияни ратификация қилиш йўли билан ўзларининг болалар келажагини муҳофаза қилишга тайёр эканлигини намоён этдилар. Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция бу бутун жаҳон болаларига хос бўлган болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномасидир. Конвенция бола ҳуқуқлари ҳақидаги универсал расмий Кодекстидир.

Конвенцияда болалар ҳуқуқлари тўрт тоифага ажратиб берилган бўлиб, 54 моддани ўз ичига қамраб олган.

Яшай олиш ҳуқуқи: бола талабларини кондириш ва ҳаётий ҳуқуқларни ўзида мужассам этиш каби асосий шартларни ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш, овқатланиш, бошпанага эга бўлиш каби адолатли, ҳаётий меъёрларни ўз ичига олади.

Болалар зўравонлик ва эксплуатация қилинишдан химояланган бўлишлари шарт. Бу борада қуйидаги муаммоларга, яъни: қочоқ болалар муаммоси, адлия тизимидаги зўравонликлар, болаларни қуролли низоларга жалб этиш муаммолари, болалар меҳнати, балоғат ёшига етмаганларни сексуал эксплуатация қилиш ва ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш

Ривожлана олиш ҳуқуқи: болаларнинг ўз қобилиятларини кенгрок ривожлантиришга эришишлари учун зарур. Бунга мисол қилиб, билим олиш, ўйин, ҳордиқ чиқариш, маданий фаолиятлар, ахборот олиш ва виждоний поклик каби ҳуқуқларни олиш мумкин.

4. Иштирок этиш ҳуқуқи: болани жамият ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишга қорлайди. Бу тоифа болаларнинг ҳаётига тааллуқли бўлган муаммолар бўйича жаҳоншумул йиғилиш ва тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқини ва ўз фикрмулоҳазаларини айтишда эркин бўлиш каби ҳуқуқларни белгилайди.



Дефектологиянинг вазифаси — аномалияларнинг келиб чиқиш сабаблари, турларини, аномал болаларнинг психофизиологик ривожланишдаги хусусиятларини ўрганиш, шулар асосида инклюзив ёки дифференциал таълимни ташкил этиш, уларнинг таълимтарбияси билан шуғулланишдир.

Дефектология фанининг мавзу баҳси аномал махсус ёрдамга мухтож болалардир.



Дефектология фанининг мақсади — аномал болаларга интеграцион, инклюзив, дифференциал таълимни ташкил этиш учун зарур шартшароитларни ўрганиш, улардаги психофизиологик камчиликларни илжи борица бартараф этиш, тузатиш ёки билинмайдиган ҳолга келтириш усулларини белгилаш ва амалиётда татбиқ этиш йўлларини тарбиячи ҳамда ўқитувчиларга кўрсатиб беришдан иборат



Алохида ёрдамга муҳтож аномал болалар тоифалари



Боланинг хоҳ она қорнида, хоҳ тугилганидан кейин ривожланиб бориши учун зарур бўлган маълум шартшароитларнинг бузилиши турли хил аномалияларга, яъни жисмоний ёки психик нуқсонлар, камчиликларга олиб келиши мумкин.

Инклюзив таълим ижтимоий адаптация, реабилитация ишлари.



Инклюзив таълим бу махсус ёрдамга муҳтож болалар ва ёшлар учун индивидуаллашган ва шароитга қараб ўзгарувчан, ғамхўрлик билан ёндаша оладиган таълим тизимидир. Ушбу ишлар оддий, соғлом болалар ўқув муассасаларида амалга оширилади. Инклюзив жалб этиш (включение) деган маънони англатади, яъни жисмоний ёки Психик ривожланишида нуқсони бор болаларни соғлом тенгдошлари билан ўзаро боғланиб, биргаликда таълим олишидир.

Ривожланган мамлакатларда **"Махсус таълим зарурияти"** номли хужжатга жавобан СВР —Реабилитация ташкилоти ташкил этилди. Ташкилот ногиронлар жамияти, ногиронлар оилалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда қасаба уюшмаларининг вакиллари ўз ичига қамраб олган. Унинг асосий **мақсади** — жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ҳимоялаш, ҳуқуқларини тиклаш, ваколат бериш, таълимтарбия тизимини шакллантириш, жамият ва раҳбарият диққатини бу нарсага жалб этишдир.



Ижтимоий интеграция ижтимоий тафовутни камайтиришга, ногирон ва соғлом болаларни ўзаро дўсглашишга, бирбирига ҳурмат билан қарашга ундайди, соғлом болаларни мурувнатли бўлишга ўргади. Жамият ногирон кишиларга тўғри муносабатда бўлиши керак, Конституциямиздаги барча бандлар улар учун ҳам тааллуқли. Ҳар қандай таълим интеграцияси инклюзив таълим сифатини оширади. Инклюзив таълим марказида жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор бола туради, унга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилади.

Интеграл — мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони билдиради. Ҳар бир бола таълимга жалб этилиши лозим. Интеграциялашган жамиятда барча тенг ҳуқуққа эга, бу яхлит жамиятдир. Инклюзив таълим туфайли жамият интеграциялашган жамиятга айланади. 2001 йилда **ЮНЕСКО "Ҳамма учун таълим"** дастурини қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси ушбу дастурга имзо чекди. Кенг миқёсда "Ҳамма учун таълим"(Обучение для всех) жорий этилиши ЮНЕСКО томонидан бошлаб юборилди.



2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Саломон декларациясига биноан яратилган (Таълим тизими аномал болаларни қабул этиб, уларнинг таълим-тарбияси учун зарур шартшароитларни яратиши лозимлиги ҳақида) ("Обучение для всех") "Ҳамма учун таълим" дастурини амалга оширишга имзо чеккан экан, барча таълим ходимлари бу ишга ўз хиссаларини қўшиб, инклюзив таълимни такомиллаштиришда қатнашишлари лозим.

Аномал болалар соғлом тенгдошлари орасида инклюзив таълимда ёки махсус таълим тарбия муассасаларида тарбияланиши ва ўқитилиши керак.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Дефектология фанини таърифлаб беринг.
2. Бу фаннинг вазифалари нимадан иборат?

Эксперт вараги № 2

3. Коррекция ва компенсация нима?
4. Дефектология фанининг ривожланиши ҳақида гапириб беринг.

Эксперт вараги № 3

1. Кимларни аномал болалар деб атаймиз?
2. Аномал болаларнинг қандай тоифалари мавжуд?

Эксперт вараги № 4

1. Аномал болалар қаерда таълим олишлари керак ва нима учун?
2. Аномалияларнинг келиб чиқиш сабаблари нима?

Эксперт вараги № 5

1. Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар деб кимларни айтамыз?
2. Инклюзив таълим учун нималар керак?

Эксперт вараги № 6

1. Интеграцион таълим нима дегани?
2. Бола ҳуқуқлари қақидаги Конвенцияни ўқинг

Тест топшириклари

1. Дефектология асослари фанининг предмети нимадан иборат?

- А. Дефектология-жисмоний ва рухий камчиликлари бор болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларни урганади
- Б. Дефектология фани аномал болалар учун дифференциал таълимни ташхис этади, уларнинг таълим-тарбияси билан шугулланади
- С. Дефектология масалаларини ишлаб чиқишда асос буладиган энг мухим методологик принцип тараккиёт принциpidир.
- Д. Аномалияларнинг келиб чиқиши сабабларини, турларини, аномал болаларнинг психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларини урганиш, шулар асосида, дифференциал таълимни ташкил этиш, уларнинг таълим-тарбияси билан шугулланади.
- Е. Дефектология фани огир нутк нуксонларини урганиш, олдини олиш, бартараф этиш йуллари усулларини урганади.

2. Аномал болаларнинг кандай категориялари мавжуд?

- А. Эшитиш, куриш, кур-кар-соков, олигрофен, рухий ривожланиши оркада колган, огир нуткий нуксонлари бор, характ-таянч аъзоларидаги камчиликлари.
- Б. Кар, соков, кулоги огир, кейинчалик кулоги огир булиб колган болалар
- С. Диккат, хотира, интилиш, кизикиш, сезги каби рухий процесслар.
- Д. Менингит, менингоенцефалит, отит, марказий нерв сицемаси шикацланиши
- Е. Тугма ёки орттирилгн инфекция, интоксикасия ва бошка омиллар.

3. Дефектология фанининг кандай тармокларини биласиз?

- А. Сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофрено, педагогика, логопедия
- Б. Тифлопедагогика, педагогика, анатомия, махсус педагогик
- С. Олигофренопедагогика, педагогика тарихи, невропатология
- Д. Анатомия, психопатология, педагогика тарихи, сурдопедагогика
- Е. Махсус психология ва психодиагностика, логопедия, умумий физиология

4. Дефектология фани кайси фанлар билан узвий алокада?

- А. Логопедия, тилшунослик, анатомия, невропатология, уммуий физиология
- Б. Оталарингология, невропатология, психопатология, педиатрия, умумий махсус психология ва психодиагностика
- С. Психопатология, тиббиёт фанлари, тилшунослик ва психолингвистика, махсус психология ва психодиагностика
- Д. Биология, анатомия, олигофрено, педагогика, тифлопедагогика
- Е. Логопедия, психолингвистика, биология, психопатология

Глоссарий

Дефектология фанининг ривожланиши натижасида ундан қуйидаги тармоқлар мустақил фан сифатида ажралиб чиқди:

Сурдопедагогика (лотинча *сурдус* — *кар*, *гунг* сўзидан олинган) — эшитиш қобилияти заиф болаларнинг таълимтарбияси билан шуғулланадиган фан;

Тифлопедагогика (юнонча *тифлос* *кўр*, *сўқир* сўзидан олинган) — кўриш қобилияти заиф болаларнинг таълимтарбияси билан шуғулланадиган фан;

Олигофренопедагогика (юнонча *олигос* — *кам*, *френ* — *ақл* сўзларидан олинган) — ақлий томондан заиф болаларнинг таълимтарбияси билан шуғулланадиган фан; логопедия (юнонча *логос* — *сўз*, *падео* — *тарбия* сўзларидан олинган) — оғир нутқ нуқсонларини ўрганиш, олдини олиш, бартараф этиш йўллари, усулларини ўрганадиган фан.

Интеграл — мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони билдиради.

Адабиётлар

1. Саламанская декларация. Испания, 1994.
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция. Ўзбекистон болалар жамғармаси.
3. *Т. А. Власова, М. С. Певзнер*. Камол топишда камчиликлари бўлган болалар ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1976.
4. Дефектологический словарь. АПН ИТТИФОҚ, НИИД, Педагогика, 1970.
5. *Н. Коберник, В. Н. Синев*. Введение в специальность дефектология. Киев. Главное издательство объединения "Вусшая школа", 1984.
6. *Л. Мўминова, М. Қахрамонова*. Логопедия терминларининг русчаўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, "Ўқитувчи", 1988.
7. *К. К. Мамедов, Ғ.Б. Шоумаров, В. П. Подобед*. Психик ривожланиши сустлашган болалар ҳақида. Т., 1993.
8. *В.С.Раҳмонова*. Дефектология ва логопедия асослари. Т., 1991.
9. *Б. Шоумаров* ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Т., "Меҳнат", 2000.

2- МАВЗУ: Алоҳида ёрдамга мухтож болалар тоифалари



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда *алоҳида ёрдамга мухтож болалар тоифалари* хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Тифлопедагогикада кўзи ожиз болалар кўр (сўқир), яхши кўра олмайдиган, кўзи хира болалар гуруҳига бўлинади. Кўр болаларнинг кўриш қобилияти кескин камайган (тотал кўрлик) ёки коррекция қўлланилганида (кўзойнак тutilганда) ҳам кўриш ўткирлиги 0,04 гача пасайган бўлса, бундай болалар амалда кўр бўлади. Заиф кўрувчи болаларда кўриш ўткирлиги 0,05 дан то 0,4 гача бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳдаги болалар теvarакатрофни кўриш анализатори орқали идрок этади.

Кўриш анализатори ёрдамида дунёни идрок этиш боланинг Психик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга Теvarакатроф хақидаги энг кучли таассуротлар кўз билан идрок этилади. Бола кўриш қобилияти орқали нарсаларнинг ранги, шакли, ҳажми, харақати, узоқяқинлиги, фазодаги ўрни хақида тасаввурга эга бўлади.

Маълумки, кўриш анализатори нурларни қабул қилувчи қисм—кўз олмаси (соққаси) ва унинг ёрдамчи аппаратидан кўзга тушган тасвирни аввал пўстлоқ ости марказларига, кейин эса олий кўрув марказлари жойлашган катта мия пўстлогига (энса бўлакларига) етказиб берадиган ўтказувчи йўллардан ташкил топган. Ана шу анализаторнинг ҳар қандай қисмларидага ўзгаришлар боланинг кўриш қобилиятига албатта таъсир кўрсатади.



Кўришга алоқадор нуқсонлар келиб чиқиш сабабларига кўра туғма ва орттирилган бўлади. Туғма нуқсонлар орасида ирсий сабаблар (масалан, туғма катарактанинг баъзи шакллари ва бошқалар), ҳомиладор аёлнинг токсоплазмоз, қизилча касалликлари билан оғриши, ҳомила кўриш органларининг эмбрионал ривожланиш пайтида зарарланиши, мия ўсмаси ва шу каби касалликлар катта роль ўйнайди. Орттирилган кўриш аномалиялари ҳозирги кунда нисбатан кам учрайди.

1.2. Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 2 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1.Сенсор нуқсонли болалар 2.Кўр ва заиф кўрувчи болалар 3.Кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар. 4.Олигофрен болалар уларнинг тавсифи. 5.Туғма ва ортирилган олигофрения.
Уқув машгулотининг мақсади: Талабаларга уқув курси ҳақида тулиқ маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Уқув фаолияти натижалари
➤ Сенсор нуқсонли болаларга қайси категория мансуб? деган саволга жавоб бериш.	➤ Сенсор нуқсонли болалар ҳақида бошлангич маълумотга эга бўлади.
➤ Кўришга алоқадор нуқсонлар келиб чиқиш сабаблари? деган саволга жавоб бериш.	➤ Кўришга алоқадор нуқсонлар келиб чиқиш сабабларини тушуниб олади
➤ Кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болаларни уқитишдан мақсад нимадан иборатлигини билиш.	➤ Кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Олигофрен болалар уларнинг тавсифи ҳақида билимга эга бўлиш.	➤ Олигофрен болалардаги нуқсонларни олдини олиш, бартараф этиш, коррекциялаш, компенсациялаш ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлади.
➤ Кўзи ожиз болалар учун Ўзбекистонда қандай муассасалар ташкил этилганлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш	➤ Кўзи ожиз болалар учун инклюзив таълим, ижтимоий адаптация, реабилитация ишларининг узаро фарқини ажратиш имкониятига эга бўлади.
Таълим методлари:	Маъруза, намоёиш этиш, савол-жавоб, инсерт техникаси, гуруҳларда ишлаш, Блиц-суров технологияси, SWOT таҳлил жадвали методи, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска,кодоскоп.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мувожазланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Блиц-суров, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вакти	Фаолият мазмуни	
	Укитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. Таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган уқув ишланмалар билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Сенсор нуқсонли болалар билан инклюзив интеграцион таълим қандай ташкил этилади? ➤ Эшитув нуқсонларининг қайси турларини биласиз? ➤ Эшитув нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат? ➤ Эшитув нуқсонлари бор болалар қаерда тарбияланиши зарур? ➤ Қўриш анализаторининг аҳамияти нимада? ➤ Қўришдаги нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? ➤ Қўриш қобилияти заиф болалар билан оммавий мактаб ва боғчаларда олиб бориладиган ишларни таърифлаб беринг.	Саволларга жавоб беришади
	➤ Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар тоифалари мавзусида савол - жавоб утказди	Савол - жавобда иштирок этади.
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация килади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, камчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб уз жавобларини шарҳлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Якуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга муҳтож болалардаги нуқсонларни урганиб келиш топшириғи берилади.	➤ Эксперт сифатида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб оладилар.



Кўриш қобилиятининг оғир шаклдаги бузилишлари боланинг характерида, психикасида иккиламчи асоратлар пайдо бўлишига олиб келади.

Кўр бўлиб қолган болалар билан барча ишлар уларнинг кўриш тасаввурларини тиклаш асосида олиб борилади ва бунда маълум натижаларга эришиш мумкин бўлади. Кўзи ожизлиги канча кеч пайдо бўлган бўлса, боланинг теварак атроф ҳақидаги тасаввурлари шунча бой ва уларни мустахкамлаш, такомиллаштириш, кенгайтириш шунчалик осон бўлади.

**Кўзи ожиз, сўкир
болалар кўр туғилган ва
кўр бўлиб қолган
болалар деб икки
гuruhга ажратилади.**

Биринчи гуруҳга туғилишдан кўзи ожиз ва туғилганидан сўнг то уч ёшгача бўлган давр ичида кўриш қобилияти бузилган болалар киритилса,
Иккинчисига кейинчалик **кўзи** кўр бўлиб қолган болалар киритилади, бундай болалар хотирасида кўриш тасаввурлари қолган бўлади.



Кўриш қобилияти кескин камайган болалар кўзи ожиз болалар учун махсус ташкил этган мактабларда ёки соғлом тенгдошлари орасида таълим олишлари керак. Бу мактабларда соғлом анализаторларнинг актив фаолияти асосида (туйғу ва эшитиш, бошқа сезги анализатори) кўриш анализатори фаолиятини қоплаш ишлари олиб борилади. Махсус таълимтарбия ишлари кўриш қобилиятининг заифлиги нағижасида пайдо бўлган иккиламчи психик асоратларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, коррекциялашга қаратилади. Болада мустақил ҳаёт учун зарур бўлган барча билим, қўникма ҳамда малакалар шакллантириб борилади.

**Заиф кўрувчи
болалар**

Теваракатрофни кўриш анализатори оркали идрок этадилар. Улар ҳам кўриш қобилияти заиф болалар учун ташкил этилган махсус мактабда ёки кўрлар мактаби қошидаги махсус синфларда соғлом тенгдошлари орасида таълим олишлари керак. Бундай болаларни тарбиячи ва ўқитувчилар соғлом тенгдошларидан ажратиб олиб, иложи борича вақтли махсус мактабларга жўнатишлари ёки инклюзив

**Кўриш
қобилияти
заифлашган
болалар**

Кўриш қобилияти заифлашган болалар сатрларни яхши ажрага олмайдилар, шакли ўхшаш нарсаларни, ҳарфларни бирбири билан адаштириб юборадилар, натижада ўқиш ва ёзишда кўп хатоларга йўл қўядилар. Рақамларни бирбиридан яхши ажрата олмаслик оқибатида ҳисоблашда ва математика масалаларини ечишда қийналадилар. Улар доскага ёзилганларни, жадвал, схема ва бошқа тасвирларни яхши кўрмайдилар, кўриш билан боғлиқ ишни бажариш вақтида тез чарчаб қоладилар. Нотўғри муҳит, ноқулай шароит боланинг кўриш қобилияти кескин пасайиб боришига олиб келиши мумкин.

Тарбиячи ва ўқитувчилар кўриш қобилияти заиф болаларни ўз вақтида офтальмолог хузурига маслаҳатга юборилари керак.

Офтальмолог болани текшириб, керак бўлса унга коррекция қиладиган кўзойнак тақиб юришни тавсия этади ва бола қаерда таълим олиши кераклигини аниқлайди.



Нутқ—мураккаб психик фаолият. У психик жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагиларга тақлид этиш йўли билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор иштирок этади. Нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор эшитув анализатори билан маҳкам боғланган ҳолда ишлайди, эшитув анализаторининг ривожланиш даражаси эса кўп жиҳатдан талаффузга боғлиқ.

**Сурдопедагогикада эшитишида нуқсонлари бор
болалар**

1,2,3

кар соқов
болалар

заиф эшитувчи
болалар

кейинчалик заиф
эшитувчи бўлиб
қолган болалар



Карсоқов болаларнинг 25—30 фоизда эшитиш нуқсонлари туғма бўлади. Бунга сабаб: онанинг ҳомиладорлик даврида турли касалликлар, масалан, грипп билан касалланиши, отаоналарнинг ичкилик ичиб туриши, онанинг ҳомиладорлик даврида биларбилмас дори-дармонларни истеъмол қилиши (айникса, стрептомицин, хинин сингари дориларни), ҳомиланинг шикастланиши; ирсият, генетик факторлар (қулоқ тузилишидаги патологик ўзгаришлар бўлиши, масалан, эшитиш йўли атрезияси битувли).

Заиф эшитувчи болалар

учун махсус ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаси ҳамда мактабинтернатда барча зарур шартшароитлар мавжуд. Махсус муассасалардаги тарбиячи ва ўқитувчилар бундай болаларнинг тегишли таълимтарбия олишларига ёрдам беришлари керак.



Заиф эшитиш натижасида бола нуткида бир қатор камчиликлар кузатилади: луғатининг камбағал бўлиши, грамматик компонент ривожланмаган — гап ичида сўзларни ташлаб кетиш, сўзларни нотўғри ишлатиш, уларни ўзаро боғлай олмаслик, келишиқ, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ишлата олмаслик; товушларни нотўғри талаффуз қилиш — ўхшаш, жаранглижарангсиз ундошларни бирбири билан адаштириш, тушириб кетиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Боланинг ривожланишида эшитув анализатори кандай ўрин тутди?
2. Эшитув нуксонларининг қайси турларини биласиз?

Эксперт вараги № 2

3. Эшитув нуксонларининг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?
4. Эшитув нуксонлари бор болалар қаерда тарбияланиши зарур?

Эксперт вараги № 3

5. Кўриш анализаторининг ахамияти нимада?
6. Кўришдаги нуксонларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Эксперт вараги № 4

7. Кўриш қобилиятида кузатиладиган нуксонларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун нималарни билиш керак?

Эксперт вараги № 5

8. Кўриш қобилияти заиф болалар билан оммавий мактаб ва боғчаларда олиб бориладиган ишларни таърифлаб беринг.

Эксперт вараги № 6

9. Кўзи ожиз болалар учун Ўзбекистонда қандай муассасалар ташкил этилган?

Тест топшириклари

1. Аномал болаларнинг кандай категориялари мавжуд?

- А. Эшитиш, куриш, кур-кар-соков, олигрофен, рухий ривожланиши оркада колган, огир нуткий нуксонлари бор, характ-таянч аъзоларидаги камчиликлари.
- Б. Кар, соков, кулоги огир, кейинчалик кулоги огир булиб колган болалар
- С. Диккат, хотира, интилиш, кизикиш, сезги каби рухий процесслар.
- Д. Менингит, менингоенцефалит, отит, марказий нерв сицемаси шикацланиши
- Е. Тугма ёки орттирилгн инфекция, интоксикасия ва бошка омиллар.

2. Кузи ожиз болалар неча гурухда ажратилади?

- А. Кузи ожиз болалар, кур, яхши кура олмайдиган, кузи хира болалардир
- Б. Тугилгандан кузи ожиз ва тугилгандан 3-ёшгача булган давр ичида куриш кобилияти бузилган, кейинчалик кузи кур булган болалар.
- С. Кузи ожизлиги, яъни куриш нуксонлари зурайиб борадиган ва бир хил мухим турадиган булади
- Д. Куз олмаси, ковокларининг ривожланмай колгани, куз ковоклари калталиги туфайли кузнинг юмилмай турилиши, куз ковогининг нуксони
- Е. Курув нерви атрофияси, гигиеник талабларга риоя килмаслик.

3. Кар ва кулоги заиф эшитувчилар мактаблари учун сурдо педагог кадрлар тайёрлаш нечанчи йилдан бошланди?

- А. 1969-йилдан бошлаб
- Б. 1970-йилдан бошлаб
- С. 1973-йилдан бошлаб
- Д. 1970-йилдан бошлаб
- Е. 1980-йилдан бошлаб

4. Кулоги огирликнинг даражалари нечта?

- А. 4та
- Б. 2 та
- С. 3 та
- Д. 5 та
- Е. 7 та

5. Дефектология фанининг кандай тармокларини биласиз?

- А. Сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофрено, педагогика, логопедия
- Б. Тифлопедагогика, педагогика, анатомия, махсус педагогик
- С. Олигофренопедагогика, педагогика тарихи, невропатология
- Д. Анатомия, психопатология, педагогика тарихи, сурдопедагогика
- Е. Махсус психология ва психодиагностика, логопедия, умумий физиология

6. Дефектология фани кайси фанлар билан узвий алокада?

- А. Логопедия, тилшунослик, анатомия, невропатология, уммуий физиология
- Б. Оталарингология, невропатология, психопатология, педиатрия, умумий махсус психология ва психодиагностика
- С. Психопатология, тиббиёт фанлари, тилшунослик ва психолингвистика, махсус психология ва психодиагностика
- Д. Биология, анатомия, олигофрено, педагогика, тифлопедагогика
- Е. Логопедия, психолингвистика, биология, психопатология

Глоссарий

Генетик – ирсий омиллар, Даун-хромосомолар нисбатининг бузилиши.

Асфиксия – боланинг киндикка урилиб бугилиб қолиши.

Аномалия-жисм ёки руҳий ривожланишнинг умумий нормаларидан анча оғиш.

Аномал болалар-нормал руҳий ва жисмоний ривожланишда бузулишлар бўлган болалар. Уларни енгиб ўтиш махсус учун махсус методлар талаб қилинади.

Адабиётлар

1. *Р.М.Боскис*. Учителю о детях с нарушениями слуха. М., "Просвещение", 1987.
2. *М. И.Земцова*. Учителю одетях с нарушениями зрения. М., 1973.
3. *А. Г. Литвак* Тифлопсихология. М., 1985.
4. *Н.Д.Ярмаченко*. Проблемы компенсации глухоты. Киев. 1975. с. 148163.
5. Основы обучения и воспитания аномальных детей. (Под ред. А. И. Дьячкова.)М., "Просвещение", 1965, с. 3848,65.
6. Дефектологический словарь. М., 1970.
7. *Р. Шомамудова*. Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутк ўстириш. Т., Узинкомцентр, 2002.

3- МАВЗУ: ОЛИГОФРЕН БОЛАЛАР



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда олигофрен болалар хақида назарий билимларни бериш бўйича қўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.




Асосий маълумотлар



Олигофрения юнонча *олигос* — кам, *оз френ* — ақл сўзларидан олинган бўлиб, эси паст, ақли паст демакдир. Олигофрен болалар марказий нерв системасининг органик касалликлари натижасида билиш фаолияти пасайиб кетиши ва бу нуқсонлар умрбод сақланиб қолиш билан бошқа аномал болалардан фарқ қиладилар.

Амалиётда "ақлан заиф", "олигофрен", "деменция" деган атамалар кўп ишлатилади "Ақлан заифлик" — бу йиғма тушунча бўлиб, ақлий жиҳатдан қоқоқликнинг содир бўлган вақти, бошидан кечирилган касалликнинг характери, патологик ўзгаришларнинг ўтиши даражаси билан боғлиқ бўлган масалаларни кўзда тутди.

Ақлий қоқоқликни белгилашда клиник, психологик ва педагогик мезонларни тафовут қилмоқ керак.





Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 2 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Олигофрения ва унинг таърифи. 2. Олигофренияни келтириб чиқарадиган сабаблар. 3. Олигофрения даражалари: (дебил, имбецил, идиот). 4. Дебил, имбецил, идиот болалар тавсифи ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари. 5. Дебил болалар учун ташкил этилган таълим –тарбия муассасалари, уларнинг фаолияти, ўзига хос шарт-шароитлари.
Укув машгулотининг мақсади: Талабаларга укув курси хақида тулик маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Укув фаолияти натижалари
➤ Олигофрения ва унинг таърифига жавоб бериш.	➤ Олигофрения хақида бошлангич маълумотга эга бўлади.
➤ Олигофренияни келтириб чиқарадиган сабаблари? деган саволга жавоб бериш.	➤ Олигофренияга алоқадор нуксонлар келиб чиқиш сабабларини тушуниб олади
➤ Олигофрения даражалари: (дебил, имбецил, идиот) бўлиб қолган болаларни уқитишдан мақсад нимадан иборатлигини билиш.	➤ Олигофрения даражалари: (дебил, имбецил, идиот) бўлиб қолган болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Олигофрен болалар уларнинг тавсифи хақида билимга эга бўлиш.	➤ Олигофрен болалардаги нуксонларни олдини олиш, бартараф этиш, коррекциялаш, компенсациялаш хақида билим ва тасаввурга эга бўлади.
➤ Дебил, имбецил, идиот болалар тавсифи ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари хақида тушунча ҳосил қилиш	➤ Дебил, имбецил, идиот болалар тавсифи ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ажратиш имкониятига эга бўлади.
Таълим методлари:	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, гуруҳларда ишлаш, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска,.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мувожазланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вакти	Фаолият мазмуни	
	Укитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш кисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. Таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган уқув ишланмалар билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Аклан заиф болаларга қандай болалар қиради? ➤ Аклан заиф, олигофрен болалар қаердатеълимтарбия олишлари ➤ Олигофрен болалар деб қандай болаларни айтамин? ➤ Олигофрениянинг келиб чиқиш сабаблари нимада? ➤ Олигофрениянинг даражаларини айтиб ўтинг. ➤ Дебил болаларнинг ривожланиш хусусиятларини таърифлаб беринг	Саволларга жавоб беришади
	➤ Олигофренияни келтириб чиқарадиган сабаблар мавзусида савол - жавоб утказди	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация қилади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, қамчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб ўз жавобларини шарҳлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Якуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Ўйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга муҳтож болалардаги нуқсонларни урганиб келиш топшириғи берилади.	➤ Эксперт сифатида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб олади.



Олигофрения бола уч ёшгача бўлган давр ичида турли хил оғир касалликлар билан касалланиши (менингит, менингоэнцефалит, марказий нерв системасининг шикастланиши) натижасида ҳам вужудга келади.

Резус факторнинг тўғри келмаслиги, хромосом касалликлари, фенилкетонурия ва шу кабилар туғма олигофренияга олиб келиши мумкин. Олигофрениянинг Даун касаллиги деб аталадиган бир тури хромосомалар нисбатининг бузилиши натижасида 46 та ёки 23 жуфт хромосома ўрнига битта ортикча хромосоманинг вужудга келиши натижасида пайдо бўлади.



Француз олимлари алкоголизмга гирифтор оилаларда туғилган 57 нафар болани узок муддат кузатиб бориб, уларнинг 25 нафари 1 ёшга тўлмасдан нобуд бўлганини, 5 нафари тутқаноқ, 5 нафари гидроцефалия (бош мия истисноси) касаллиги билан оғриганини, 12 нафари аклан заиф бўлгани ва фақат 10 нафар бола соғлом чиққанини аниқлаган.



Олигофрения бола марказий нерв системасининг она қорнидалиги даврида, туғилиш вақтида ва туғилгандан то уч ёшгача бўлган давр ичида шикастланиши, касалланиши натижасида келиб чиқади. Агарда турли сабабларга кўра аклан заифлик боланинг уч ёшидан кейинги даврида пайдо бўлса, буни энди орттирилган аклий заифлик деменция деб юритилади. Деменция прогрессив, яъни табиатан кучайиб борадиган бўлади. Олигофренияда эса нуксоннинг кучайиб бориши кузатилмайди.

Аклий (интеллектуал) ривожланишига кўра олигофрения
уч даражада намоён бўлади

1,2,3

Дебиллик- акли пастлик олигофрениянинг энг енгил даражаси бўлиб, бундай болаларни ташқи кўринишига қараб соғлом тенгдошларидан ажратиб бўлмайди. Улар кўпинча ўқишни оммавий мактабнинг биринчи синфидан бошлайдилару, лекин қиска муддат ичида улгурмовчи ўқувчилар орасига қўшилиб қоладилар. Умуман, зехн ва фаҳмфаросатга боғлиқ ишларда дебил болалар анча қийналади, бироқ улар ёрдамчи мактабга ўтиб, дастурини ўзлаштириб чиқишса, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, маиший хизмат соҳасида оддий турдаги меҳнат билан шуғуллана олади.

Имбециллик-болалар хаттоки ёрдамчи мактаб дастури бўйича ҳам таълим олиш қурбига қодир эмаслар. Улар ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги болалар интернатларида тарбияланадилар. Аммо умумий ривожланишида камроқ орқада қолган имбецил болалар, афсуски, ёрдамчи мактабларда гоҳо учраб туришади. Улар ёрдамчи мактаб дастурини ўзлаштира олмайдилар.

Идиотия -болалар хаттоки ўз отаоналарини ҳам танимайди. Улар ўзиниўзи уддалай олмайди, ўзигаўзи хизмат ҳам қила олмайди. Имбецил болалар идиот болаларга қараганда нисбатан тузукроқ ривожланган бўлса ҳам, мустақил ҳаёт кечиролмайди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги муассасаларда уларга содда билимлар, меҳнатнинг айрим содда турлари ўргатилади.



Дебил болалар учун бир қатор фаҳмфаросатга оид ҳаракатлар етишмаслиги характерлидир. Уларнинг кузатиш, таққослаш, идрок қилаётган нарсаларнинг, воқеаҳодисаларнинг муҳим томонларини ажратиб кўрсатиш, булар ўртасидаги энг оддий сабабнатижа боғланишларини фаҳмлаб олиш қобилиятлари ривожланмай қолади. Дебил, боланинг тафаккури, диққати, сезги ва идроклари, хотираси, анализ ва синтез қилиш қобилиятлари ҳам яхши ривожланмаган бўлади.

Олигофрениянинг учала даражасида ҳам тарбиячи ва ўқитувчилар олигофрен ўқувчиларни соғлом тешдошлари ҳамда ўхшаш тарздага бошқа камчиликлари бор болалардан ажрата олишлари лозим. Лекин олигофрениянинг энг енгил даражасини—дебилликни бошқа ўхшаш аномалиялардан ва соғлом болалардан ажратиб олиш амалда анча қийин бўлади.



Олигофрен болалар вазиятни етарли даражада англай олмайдилар, хаттиҳаракатларни вазиятга қараб, адекват ўзгартира олмайдилар. Уларда ўзўзига ва атрофдагиларга нисбатан танқидий муносабат бирмунча суст бўлади. Юқорида кўрсатилган бир қатор камчиликларга қарамай, олигофрен болалар билан тўғри ташкил этилган махсус таълим тарбия ишлари натижасида дефектологлар уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, хунарга ўргатиш борасида катта ютуқларга эришмоқдалар. Махсус ёрдамчи меҳнат мактабларида таълимтарбия олиб чиққан дебил болалар ҳаётда ўз ўрнини топиб, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, маиший хизмат соҳасида фаол меҳнат қилиб яшамоқдалар.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Олигофрен болалар деб қандай болаларни айтамыз?
2. Олигофрениянинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Эксперт вараги № 2

3. Олигофрениянинг даражаларини айтиб ўтинг.
4. Дебил болаларнинг ривожланиш хусусиятларини таърифлаб беринг.

Эксперт вараги № 3

5. Ақлан заиф болаларга қандай болалар киради?
6. Ақлан заиф, олигофрен болалар каердатаълимтарбия олишлари

Тест топшириқлари

1. Олигофрения неча даражада намоён бўлади?

- А. Клиник, психологик, педагогик
- Б. Резус факторининг тугри келмаслиги, хромосома касалликлари
- С. Дебил, имбецил, идиот
- Д. Акли заиф олигофрен, деменция
- Е. Манингит, менигоенцефалит, марказий нерв сицемасининг шикацланиши

2. Олигофрениянинг формаси нечта?

- А. 5 та
- Б. 6 та
- С. 4 та
- Д. 3 та
- Е. 2 та

3. Акли заифликни қандай мезонларни тафовут қиламиз?

- А. Педагогик, лабаратория;
- Б. Психологик, клиник;
- С. Клиник, психологик, педагогик
- Д. Эксперимент, клиник, психологик
- Е. Клиник, лабаратория, педагогик

4. Руҳан суст ривожланган болалар аклий даражаси жихатдан неча гуруҳга бўлинади?

- А. 5 та
- Б. 6 та
- С. 4 та
- Д. 2 та
- Е. 3 та

5. Акли заифлик турлари?

- А. 3 та
- Б. 1 та
- С. 4 та
- Д. 2 та
- Е. 5 та

6. Аклий заифликнинг энг огир тури қайси?

- А. имбецил
- Б. идеод
- С. дебил
- Д. кур ва кар
- Е. кар

7. Акли заифликнинг энг енгил тури қайси?

- А. идеод
- Б. имбецил
- С. дебил
- Д. имбецил, дебил
- Е. мавжуд эмас

Глоссарий

Олигофрения юнонча *олигос* — *кам*, *оз френ* — *ақл* сўзларидан олинган бўлиб, эси паст, ақли паст демакдир. Олигофрен болалар марказий нерв системасининг органик касалликлари натижасида билиш фаолияти пасайиб кетиши ва бу нуқсонлар умрбод сақланиб қолиш билан бошқа аномал болалардан фарқ қиладилар.

Дебиллик — ақли пастлик олигофрениянинг энт енгил даражаси бўлиб, бундай болаларни ташқи кўринишига қараб соғлом тенгдошларидан ажратиб бўлмайди.

Идиот болалар ҳаттоки ўз отаоналарини ҳам танимайди. Улар ўзини ўзи уддалай олмайди, ўзига ўзи хизмат ҳам қила олмайди.

Имбецил болалар идиот болаларга қараганда нисбатан тузукроқ ривожланган бўлса ҳам, мустақил ҳаёт кечиролмайди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги муассасаларда уларга содда билимлар, меҳнатнинг айрим содда турлари (ўз ўзига хизмат қилиш, экинларни парвариш этиш, картондан қутичалар ясаш ва ҳ. к.) ўргатилади.

Адабиётлар

1. *С.Ш.Айтметова*. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари. Т., "Ўқитувчи", 1984.
2. *К.Мамедов, Ф. Пўлатова* Олигофренопедагогика. Т., 1996.
3. *Соколова* Воспитание и обучение умственно оцталнх дошкольников. М, 1985.
4. *Н.П.Вайзман*. Психология умственно оцталнх детей. М., 1997.
5. *СДЗабрамная*. Психологопедагогическая диагностика умственно оцталого. М., 1995.
6. *АА.Катаева, ЕА. Стреблева*. Двдакшческие игрн и упражнения в обучении умственно оцталнх дошкольников. Книга для учителя. М., 1993.
7. *В.С.Раҳмонова*. ДефекгологтаюлогопедияасослариТ, 1991.
8. Дети с задержкой психического развития. Т.А.Власова, Н.А.Ципина таҳрири остида. М., 1984.
9. Маориф вазирлигининг "Психик ривожланиши сустлашган болалар учун махсус мактабинтернатлар очиш" тўғрисидаги 1981 йил 3 июль қарори.
10. *Б.Шоумаров, К.К.Мамедов*. Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг психохш ш> хусусиятлари ва дифференциал диагностикаси. Тошкент, Ўзбекистон маориф вазирлиги, 1987.
11. *К.К. Мамедов, Б.Шоумаров, В.П.Подобед*. Психик ривожланиши сустлашган болалар хақида. Т., 1

4- МАВЗУ: Психик ривожланиши сустлашган болалар.



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда психик ривожланиши сустлашган болалар хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Улгурмовчи ўқувчилар орасида психик ривожланиши сустлашган болалар ҳам учраб туради. Уларнинг билиш фаолияти интеллект, мантикий тафаккури, идроки, хотираси, ихтиёрий диққати, иш қобилияти ва бошқа хислатларига биринчи ўринда марказий нерв системасининг касалликлари ва педагогик қаровсизлик, оилавий можаро, нотўғри тарбия кўшилиши натижасида психик ривожланиши сустлашади. Бундай болаларда ҳиссиёт, ирода борасидаги камчиликлар бирламчи, ақлий заифлик эса иккиламчи ҳодиса бўлиб ҳисобланади.

Т.А.Власова, М.С.Певзнер, В.И.Лубовский, Т.В.Егорова, К.С.Лебединская, Н.А.Никашина, К.К.Мамедов, Б.Шоумаров, Н.А.Ципина, РД.Тригер ва бошқа олимларнинг маълумотларига кўра бошлангич синф ўқувчиларининг 5, 8 фоизини ана шундай болалар ташкил этади.

1.4. Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 1 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Психик ривожланиши сустлашганлик клиник-психологик жихатдан хиллари (конституцион, соматоген, психоген, церебрал) келиб чиқиш сабабалари. 2. Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг бошқа ёрдамга мухтож болалар ва соғлом тенгдошларидан фарқи, уларнинг тавсифи. 3. Психик ривожланиши суст болалар учун ташкил этилган муассасалар уларнинг ўзига ҳослиги. 4. Мотор нуқсонли болалар уларнинг тавсифи.

Укув машгулотининг мақсади: Талабаларга укув курси ҳақида тулиқ маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Укув фаолияти натижалари
➤ Психик ривожланиши сустлашганлик клиник-психологик жихатдан хиллари (конституцион, соматоген, психоген, церебрал) келиб чиқиш сабабларини айтиб бериш.	➤ Психик ривожланиши сустлашганлик клиник-психологик жихатдан хиллари (конституцион, соматоген, психоген, церебрал) келиб чиқиш сабаблари ҳақида бошланғич маълумотга эга бўлади.
➤ Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг бошқа ёрдамга мухтож болалар ва соғлом тенгдошларидан фарқи, уларнинг тавсифи? деган саволга жавоб бериш.	➤ Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг бошқа ёрдамга мухтож болалар ва соғлом тенгдошларидан фарқи, уларнинг тавсифини тушуниб олади
➤ Психик ривожланиши суст болалар учун ташкил этилган муассасалар уларнинг ўзига ҳослиги нимадан иборатлигини билиш.	➤ Психик ривожланиши суст болалар учун ташкил этилган муассасаларда болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Мотор нуқсонли болалар уларнинг тавсифи ҳақида билимга эга бўлиш.	➤ Мотор нуқсонли болалардаги нуқсонларни олдини олиш, бартараф этиш, коррекциялаш, компенсациялаш ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлади.
Таълим методлари:	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, гуруҳларда ишлаш, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мулжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.



Ривожланишдаги бу камчиликка бола онасининг ҳомиладорлиги даврида қалқонсимон безлари фаолиятининг бузилганлиги, юрак томир касалликлари сабаб бўлиши мумкин.

Илк ёшда ҳар хил сурункали касалликлар билан тез-тез касалланиб туриш натижасида бола яхши ўсиб унмай қолиш мумкин, бу эса ўз навбатида Психик жихатдан ривожланишида орқада қолишга, кечикишга олиб келади, суст ривожланганликнинг соматик шакли деб шунга айтилади.

Психик суст ривожланганликнинг психоген шаклида бола эрта ёшлигидан нокулай, ногўғри шароитда тарбияланади ва шу тарбиянинг салбий томонлари Психик ривожланишига таъсир ўтказган бўлади.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вакти	Фаолият мазмуни	
	Укитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг максоди ва режалаштирилган уқув ишланмалар билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Психик ривожланиши суст болалар бошқа аномал болалардан нима билан фарқ қилади? ➤ Психик ривожланиши суст болаларнинг қайси гуруҳлари мавжуд? ➤ Психик ривожланишдаги сустлик нимадан келиб чиқади? ➤ Психик ривожланиши суст болалар қаерда таълим олишлари керак ва нима учун?	Саволларга жавоб беришади
	➤ Психик ривожланиши сустлашган болалар тоифалари мавзусида савол – жавоб утказди	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга булинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация қилади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, камчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб уз жавобларини шарҳлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Яқуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуқсонларни урганиб қилиш топшириғи берилади.	➤ Эксперт сифатида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб оладилар.

**Психик ривожланиши
сустлашган болалар ақлий
даражаси жиҳатидан асосан
икки гуруҳга бўлинади:**

1.Енгил нуқсони бор болалар — булар махсус шароитда 1—3 йил таълимтарбия олганларидан кейин ўқишни оммавий мактабнинг тегишли синфида давом эттириши мумкин.

2.Психик ривожланиши сезиларли даражада орқада қолган болалар — улар мактабни битиргунига қадар махсус шароитда ўқитилиши керак. Бундай болалар мактаб дастурини соғлом тенгдошлари қатори ўзлаштира олмайди. Психик ривожланиши сустлашган болаларни оммавий мактабда ҳамма қатори ўқитиш таълим жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади

Психик суст ривожланганлик

- 1) конституционал; 2) соматоген;
3) психоген; 4) церебрал.**

конституционал

шаклини характерловчи белгиларга қуйидагилар киради: боланинг гавда тузилиши соғлом тенгдошлариникига нисбатан 1—2 ёш кичик кўринади. У ўзини боғча ёшидагиларга ўхшаб тутади ва таълим олиш учун ҳали "етилмаган" бўлади. Бундай бола ўқув фаолиятига яхши киришиб кетмайди, чунки унда ўқишга қизиқиш йўқ, иш қобилияти паст.

соматоген

Болада сурункали инфекциялар, аллергия ҳолат, туғма порок ва шу каби касалликлар, айниқса, тез учраб туради. Психик ривожланишнинг соматоген сабабларга алоқадор суслиги болада астения ҳолагини вужудта келтиради. Айрим болаларда соматоген инфантилизм кузатилади, яъни бола ўсибунмаган, гўдақ тахлит бўлиб қолаверади. Бунда бола психикасида неврозга ўхшаш ҳолатлардан ўз қучига ишонмаслик кўрқоқлик, инжикдик, эркалик, қизиқишнинг пастлиги ва бошқалар кузатилади.

психоген

шаклида бола эрта ёшлигидан ноқулай, ногўғри шароитда тарбияланади ва шу тарбиянинг салбий томонлари Психик ривожланишига таъсир ўтказган бўлади.

церебрал.

шакли мия шикастлари, менингит, менингоэнцефалит, гидроцефалия ва бошқа касалликлар натижаси бўлиб ҳисобланади. Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг ўқиши пасайиб кетади, бироқ бу ҳолат ўз вақтида ва тўғри аниқланса, болаларга тегишли ёрдам ташкил этилса, улар оммавий мактаб дастурини ўзлаштира оладилар.

Психик сушт ривожланганликнинг психоген шакли

1,2,3

Бола тарбияси билан мутлако шуғулланмаслик, уни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бунда болаларда бурч ва масъулият ҳисси шаклланмайди. Ақл идрокининг ривожланиши, кизиқишлари, билиш фаолияти, ҳис туйғу ва ирода етишмаслиги ҳам қўшилади.


Болани ҳар томонлама эркалатиш, етарли мустакил фаолиятга ўргатмаслик ташаббус-корлик, масъулият ҳиссини шакллантирмаслик, болани "оила эркаси" қилиб ўстириш, ҳаддан ташқари унинг қўнглига қараб иш тутиш натижасида ҳам бола психик ривожланишида бир қадар орқада қолиши мумкин.

Болага нисбатан қўпол муносабатда бўлиш, жисмоний жазолаш, қаттиқ қўллик қилиш, оналарнинг алкоголизмга алоқадор тажовузкорона муносабатлари болани мудом асабийлаштириб, Психик ривожланишдан орқада қолишга сабаб бўлади.



Психик сушт ривожланганликнинг энг мураккаб ва кенг тарқалган психоген шаклида бош миyaning касаллигига, яхши етилмаганига алоқадор ўзгаришлар кузатилади. Олимларимизнинг берган маълумотларига кўра, бундай болаларнинг 50 фоизида нерв системасида органик нуқсонлар бўлади. Бу нарса уларнинг хистуйғу, иродавий ҳолатлари таракқий этмаганлигига, асосан органик инфантилизм тарзида намоён бўлади.

1.Аффектив ўзгаришлар — кайфу руҳиятнинг айтарли сабабсиз айниб туриши, тажовузкорлик қилишга мойил бўлиш билан характерланади.



Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Психик ривожланиши суст болалар бошқа аномал болалардан нима билан фарқ қилади?

Эксперт вараги № 2

2. Психик ривожланиши суст болаларнинг қайси гуруҳлари мавжуд?

Эксперт вараги № 3

3. Психик ривожланишдаги сустлик нимадан келиб чиқади?

4. Психик ривожланиши суст болалар каерда таълим олишлари керак ва нима

Тест топшириклари

1. Акли заифликни белшилашда кандай мезонларни тафовут кишиш керак?

А. «аклан-заиф», «олигофрен», «деменция»

Б. клиник, психологик ва педагогик

С. дебил, имбецил, идиот

Д. концитуционал ва серебрал

2. Биринчи марта «акли заифлик» атамасини фанга киритган олим?

А. М.С.Певзнер

Б. Г.Е.Сухарева

С. Ф.Платтер

Д. Ж.Ескриоп

Е. А, б жавоблар тугри

3. Узбек тилида чоп этилган Дефектология ва логопедия асослари укув кулланмасини муаллифи ким?

А. В.С. Рахмонова

Б. Л.Р.Муминова

С. М. Аюнова

Д. Х. Пулатова

4. Нуксонли болалар таълим-тарбияси билан шугулланадиган муассасалар нечанчи йиллардан кейин жадал суратда ривожланди.

А. 1918-йиллардан кейин

Б. 1920-йиллардан кейин

С. 1923 йиллардан кейин

Д. 1925-йиллардан кейин

Е. 1900-йиллардан кейин

5.«Камол топишда камчилиги булган болалар» китобининг муаллифи ким?

А. М.С.Певзнер

Б. А.С.Макаренко

С. Т.А.Власова

Д. Т.А. Власова, М.С.Певзнер

Е. А-жавоб тугри

6. Камолотида тутилиш улган болаларни педагогик коррекциялаш оркали улар

А. фикрлай оладилар;

Б. бир максадга ёналтирилган харакат киладилар

С. уз меҳнат натижаларига уз ицак хошишлари, имкониятларига танкидий ёндошишга кодирлар

Д. С-жавоб тугри

Е. Барча жавоблар тугри

Глоссарий

Церебрал –эндокрин инфантилизм- ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши.

Аффектив ўзгаришлар- кайфият, рухиятнинг айтарли сабабсиз ажралиб туриши.

Церебрал-эндокрин инфантилизм. - Бунда асосан ички секреция безлари фаолияти бузилган бўлади.

Церебрастеник ҳолатлар, булар ҳам тезтез учраб туради. Марказий нерв системаси тез чарчайди, нейродинамик ўзгаришлар кузатилади.

Психомотор кўзгалувчанлик — асосан ўғил болаларда кўпроқ учрайди.

Аффектив ўзгаришлар — кайфу рухиятнинг айтарли сабабсиз айнаиб туриши, тажовузкорлик қилишга мойил бўлиш билан характерланади.

Психопатик ўзгаришлар — аклий фаолиятга рағбат пастлиги, ўқишга салбий муносабатда бўлиш, ўғрилиқ қилиш (клептомания), кўпроқ ёлғон гапириш каби салбий хислатларни ўз ичига олади.

Эпилептик бузилишлар — ҳар хил кўринишларда тутқаноқ тутиб туриши билан намоён бўлади.

Апатика динамик бузилишлар — ташаббускорлик пасайиши, аклий фаолият сустлиги, ҳаддан ташқари эмоционал бўшанглик билан характерланади.

Адабиётлар

1. *С.Ш.Айтметова.* Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари. Т., "Ўқитувчи", 1984.
2. *К.Мамедов, Ф. Пулатова* Олигофренопедагогика. Т., 1996.
3. *Соколова* Воспитание и обучение умственно отсталых дошкольников. М, 1985.
4. *Н.П.Вайзман.* Психология умственно отсталых детей. М., 1997.
5. *С. Д. Забрамная.* Психологопедагогическая диагностика умственно отсталого. М., 1995.
6. *А.А.Катаева, Е.А. Стреблева.* Двухчасовые игры и упражнения в обучении умственно отсталых дошкольников. Книга для учителя. М., 1993.
7. *В.С.Рахмонова.* ДефектологтоологопедияасослариТ, 1991.
8. Дети с задержкой психического развития. Т.А.Власова, Н.А.Ципина тахрири остида. М., 1984.
9. Маориф вазирлигининг "Психик ривожланиши сустлашган болалар учун махсус мактабинтернатлар очиш" тўғрисидаги 1981 йил 3 июль қарори.
10. *Б.Шоумаров, К.К.Мамедов.* Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг психологик хусусиятлари ва дифференциал диагностикаси. Тошкент, Ўзбекистон маориф вазирлиги, 1987.
11. *К.К. Мамедов, Б.Шоумаров, В.П.Подобед.* Психик ривожланиши сустлашган болалар ҳақида. Т., 1999.

4- МАВЗУ: ҲАРАКАТ-ТАЯНЧ АЪЗОЛАРИ ЖАРОҲАТЛАНГАН БОЛАЛАР



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда таянч-ҳаракат аъзолари жароҳатланган болалар хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш
Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Хар қандай ота-она ўз оиласида фарзандининг соғлом жисмонан бақувват, Психик тетик, фикрлаш қобилияти теран, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур бўлиб етишишни, хар томо томонлама камол топишини истайди, Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан оқ республикамызда соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. “Баркамол” авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу масалага устивор вазифа деб қаралмоқда. Мустақил Ватанамизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун “ халқоро хайрия жамғармасининг тузилганлиги, 2000 -йилни "Соғлом авлод йили", 2001 йилни "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.



Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар перебрал фалажи, полиомиелит (шол касаллиги асорати), Ҳаракат таянч аъзоларининг турли туғма ва орттирилган деформацияси артрогрипоз, оёқ қўлларнинг мажруҳлиги, ахондрошгазия ёки хондродистрофия — тана, бўйин, бошнинг нормал ривожланаётган бир пайтида туғма оёқ қўл суяклари ўсишининг орқада қолиши, миопатия — мушак тўқималарида модда алмашинуви билан боғлиқ бўлган ирсий касалликда мушаклар яхши қисқармайди, киши қўл оёқни ҳаракатта келтира олмайди.



Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг кўпчилигида мия фалажи кузатилади. Болалар церебрал фалаж касаллиги ҳали етилмаган, шаклланиб бўлмаган миянинг касаллигидир. Онанинг ҳомиладорлик даврида маълум касалликлар билан касалланиши, туғилиш вақтидаги патологик ўзгаришлар, тугилгандан то бир ёшгача давр ичида бола касалланиши натижасида бош миянинг ҳаракат зоналари шикастланади, унинг натижасида эса миянинг яхлит етилиши кечикади ва бузилади. Оқибатда боланинг умумий ҳамда нутқий моторикаси (ҳаракатчанлиги) фаолияти бузилади.

1.4. Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 1 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар церебрал фалажи, полиомиелит касалликлари. 2. Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда олиб бориладиган коррекцион ишлар. 3. Мужассам нуқсонли болалар (кар-кўр-соқов болалар). 4. Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар учун дифференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш.
Уқув машгулотининг мақсади: Талабаларга уқув курси ҳақида тулиқ маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Уқув фаолияти натижалари
➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар церебрал фалажи, полиомиелит касалликлари келиб чиқиш сабабларини айтиб бериш.	➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар церебрал фалажи, полиомиелит касалликлари келиб чиқиш сабаблари ҳақида бошланғич маълумотга эга бўлади.
➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда олиб бориладиган коррекцион ишларнинг тавсифи? деган саволга жавоб бериш.	➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда олиб бориладиган коррекцион ишларнинг тавсифини тушуниб олади
➤ Мужассам нуқсонли болалар (кар-кўр-соқов болалар) уларнинг ўзига хослиги нимадан иборатлигини билиш.	➤ Мужассам нуқсонли болалар (кар-кўр-соқов болалар) учун ташкил этилган муассасаларда болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар учун дифференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш ҳақида билимга эга бўлиш.	➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар учун дифференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш. ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлади.
Таълим методлари:	Маъруза, намоиш этиш, савол-жавоб, гуруҳларда ишлаш, савол - жавоб, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска, кодоскоп.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар Билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мувофиқлашган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Укитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказади.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. Таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган укув ишланмалар билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказади.	Савол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда қандай коррекцион ишлар амалга оширилади? ➤ Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар нима учун аномал болалар категориясидан бири сифатида ўрганилади? ➤ Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлариниш ўзига хослиги нимада? ➤ Мужассам нуксонли болалар категорияси бошқа аномал болалардан нимаси билан фарқ қилади?	Саволларга жавоб беришади
	➤ Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар тоифалари мавзусида савол - жавоб утказади	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	Кичик гуруҳларда ишлаш
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация қилади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, камчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб уз жавобларини шарҳлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Яқуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга муҳтож болалардаги нуксонларни урганиб қелиш топшириги берилади.	➤ Эксперт сифатида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб оладилар.



Президентимиз томонидан "Соғлом авлод" рукнидаги, махсус ёрдамга мухтож бўлгап болаларни соғломлаштириш, уларни соғлом кишилар қаторига қўшиш, ижтимоий, моддий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнатга, ижтимоий ҳаётга мослаштириш масалаларига доир қатор қарорлар, ҳужжатлар чиқарилмоқда, қабул қилинмоқда.

Кинестезия

— тана ёки тана қисмлари ҳаракатини сезиш демакдир. Кинестезия махсус сезувчи тўқималар — проприорецепторлар орқали содир бўлади. Бу тўқималар мушак, пай, бўғимларда жойлашган бўлади. Улар олий нерв системасига тана, қўл, оёқларниш ҳолати ҳақида, мушакларнинг қисқариши ҳақида маълумот беради

Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар

Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар учун Ўзбекистонда мактабгача ёшдаги болалар учун, боғча ва мактаб ёшидаги болалар учун махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда Айрим болалар умумтаълим оммавий мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда интефациялашган инклюзив таълимга жалб этилмоқда Махсус муассасаларда барча таълим-тарбия ишлари коррекцион йўналишда амалга оширилади. Кўпроқ ҳаракат функцияларини коррекциялашган эътибор берилади.

Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан махсус муассасаларда ҳаракат функциясигиш коррекциялаш ишлари комплекс тарзда, яъни болага ҳар томонлама таъсир ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунга тиббий дори-дармонлар билан даволаш, физиотерапевтик, ортопедик уқалаш массаж, даволовчи гимнастика, жисмоний тарбия, меҳнатга ўргатиш ишлари киради.

Мушакдаги гиперкинезлар

нутқий моторикага салбий таъсир кўрсатади.

Нутқ аппаратининг кам ҳаракатланиши

(тил, лаб, жағ, ун пайчалари, кичик тил ҳаракати бузилади) нутқнинг фонетик томондан бузилишига, яъни товушлар талаффузидаги камчиликларга олиб келади.

Гиперкинез

дизартрия ёки анартрия товушлар талаффузидаги камчиликларнинг келиб чиқишга сабаб бўлади.

Гиперкинез

Диафрагма, қовуға орасидаги мушаклар гиперкинези нутқий нафас олишни, ун пайчаларининг тебранишига, нутқ маромининг бузилишига олиб келади.

Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болаларда

Дизартриянинг псевдобульбар шаклида артикуляцион тонус баланд бўлади.

Нутқ аппаратининг иннервациясига бевоқиф бoғлиқ бўлган калла суяк нервларининг жароҳатлари кўп ҳолларда кўз ҳаракати нервларининг жароҳатланиши билан бирга кузатилади.

Сўлак безлари атрофидаги мушаклар кискармаганлиги туфайли бола сўлаги оқиб туради. Бундай бола яхши чайнай олмайди, ютолмайди.

Дизартрик боланинг нутқи ноаниқ, чучмал, хириллаган, монотон бўлади.

Лаб, тил, кичик тил, пастки жағ, ун пайчалари ҳаракатчанлиги бузилади ва натижада товушлар талаффузи, овоз, нутқ суръати нуқсонлари кузатилади.

Дизартрия қанчалик барвақт аниқланса, уни бартараф этиш, коррекциялаш ҳам шунчалик осон бўлади.



Тиббий дори-дармонлар билан даволаш ишлари мушак тонусини пасайтириш, гиперкинез мажбурий ҳаракатларни камайтириш, асаб системасидаги компенсатор жараёнининг фаоллигини кучайтиришга йўналтирилади.

Физотерапевтик муолажалар мушак тонусини пасайтиришга, мушаклардаги қон айланишини яхшилашга қаратилади.

Ортопедик тадбирлар ҳаракат- таянч аъзолари, бўйин, гавда ҳаракатини яхшилаш, керак бўлса зарур мосламалардан фойдаланиш, ҳар бир болани шахсий ортопедик режимга риоя қилишга ўргатишга қаратилади.



Дунёдаги **500** миллион аҳолининг **10** фоизи ногиронлардир. Шулар жумласига мужассам нуқсонли аномал болалар ҳам киради. Мужассам нуқсонли аномал болаларда бир неча нуқсон биргаликда кузатилади. Улар комплексли нуқсонли болалар категорияси деб ҳам номланади.

Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ногиронликнинг олдини олиш, экологик мувозанатни янада барқарорлаштириш юзасидан мамлакатимизда мустақиллишимизнинг биринчи куниданок муайян амалий ишлар олиб борилмоқда.



Мужассам нуқсонли махсус ёрдамга муҳтожлар тоифасига қарқўрсоқов болалар, қар ва ақлан заиф, қўр ва олигофрен, Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган ва қўр ёки ақдан заиф ваҳ.к. кирадилар.



Офталмологик ютуқлар, эрта диагностиканинг янги усуллариининг қўлланиши, қўриш органлари касалликларини даволаш ва коррекдия қилиш натижасида махсус мактаб ўқувчиларининг контингенти сезиларли даражада ўзгарди. Қўр болалар нисбатан камайди, аммо заиф қўрувчи болалар сони қўпайди. Уларнинг орасида мактаб дастурини ўзлаштира олмайдиган болалар яққол қўрина бошланди. Комплекс, яъни ҳар томонлама текшириш, ўрганиш натижасида уларнинг қўриш қобилиятининг бузилиши билан бирга олигофрения типидеги ақли заифлик кам мавжудлиги аниқланди. Заиф қўрувчи ва ақли заиф бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш анча мураккаб ва ўзига хосдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Ҳаракат таянч аъзолари бузилган болалар бошқа тоифадага аномал болалардан нима билан фарқ қиладилар?
2. Ушбу болалардаги нуксон нимадан келиб чиқади?

Эксперт вараги № 2

3. Болапар церебрал фалажи деганда нимани тушунаси?
4. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда қандай коррекцион иттиҳам амалга оширилади?

Эксперт вараги № 3

5. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хослиги нимада?

Эксперт вараги № 4

6. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар қаерда таълим тарбия олишлари керак?
7. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар нима учун аномал болалар категориясидан бери сифатида ўрганилади?

Тест топшириқлари

1. Аномал болаларнинг қандай категориялари мавжуд?

- А. Эшитиш, куриш, кур-кар-соков, олигрофен, рухий ривожланиши орқада қолган, огир нуткий нуксонлари бор, характ-таянч аъзоларидаги камчиликлари.
- Б. Кар, соков, кулоги огир, кейинчалик кулоги огир булиб қолган болалар
- С. Диккат, хотира, интилиш, кизиқиш, сезги каби рухий процесслар.
- Д. Менингит, менингоенцефалит, отит, марказий нерв сиемаси шикастланиши
- Е. Тугма ёки орттирилган инфекция, интоксикация ва бошқа омиллар.

2.«Қамол топишда қамчилиги бўлган болалар» китобининг муаллифи қим?

- А. М.С.Певзнер
- Б. А.С.Макаренко
- С. Т.А.Власова

Д. Т.А. Власова, М.С.Певзнер

Е. А-жавоб тугри

3. Қамолотида тутилиш улган болаларни педагогик коррекциялаш орқали улар

- А. фикрлай оладилар;
- Б. бир мақсадга ёналтирилган ҳаракат қиладилар
- С. уз меҳнат натижаларига уз иқак хоҳишлари, имкониятларига танқидий ёндошишга қодирлар
- Д. С-жавоб тугри
- Е. Барча жавоблар тугри

4. Имконияти чекланган инсонларга...қиради

- А. ногиронларга
- Б. ишёқмаслар
- С. қариялар
- Д. нафақахурлар
- Е. Ишсизлар

Глоссарий

Полиомелит – шол касаллиги асорати

Мияпатия- мушак туқималарида мода алмашинувида Билан боглик булган ирсий касалликларда мушаклар яхши кискармайди.

Таълим - боланинг билим ва куникмалар билан куруллантириш, онгига ва хулкига таъсир этиш билиш фаолиятини ривожлантириш.

Тарбия - болаларда илмий билимлар тизимини сингдириш ва бунинг натижасида шар томонлама шаклланган кишини тарбиялаш.

Коррекция - тузатиш, яхшилаш деган маънони англатади. Нуксонли болаларни психик ва жисмоний ривожланишдаги камчиликларни педагогик метод ва чора тадбирлар ёрдамида қисман ёки бутунлай йукотиш.

Адабиётлар

1. Дефектологический словарь. М, "Педагогика", 1970.
2. *Р.Шомаҳмудова, Г.А.Содицова, У.Ю. Файзиева* Оилада церебрал фалаж бўлган илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик ишлар. РТМ, Т., 1998.
3. *ЛМ Шишцинна, О.В.Зашеужнская* и др. Азбука общения СПб, 1998.
4. *А.В.Алапин, Б.П.Пузанов.* Основн дефектологии. М, "Просвещение", 1990.
5. *А.И.Мешерякое.* Слепоглухонемме дети. М, 1974.
6. *К.А.Семёнова, М.М.Махмудова.* Медицинская реабилитация и социальная адаптация больных децким церебральньш параличом. Т., 1979.
7. *Л.О.Бадалян, Л.Т.Журба, О.В.Тимонина.* Децкий церебральный паралич. Киев, "Здоровье", 198Х.
8. *Г.В.Дедюхина, Л.Д.Могучая, Т.А.Янишева* Логопедический массаж и лечебная физкультура с детьми 3—5 лет, страдающими децким церебральньш параличом. М., ГномПресс, 1999.

5- МАВЗУ: ЛОГОПЕДИЯ ФАНИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ОҒИР НУТҚ НУҚСОНЛАРИГА ЭҒА БЎЛГАН БОЛАЛАР



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда логопедия фани предмети, мақсади ва вазифалари хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Логопедия (логос — сўз, падео тарбиялаш, ўргатиш деган маънони англатади) — педагогик фанлардан бири бўлиб, нутл камчиликлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш, шунингдек, буларнинг олдини олиш, борларини бартараф этиш учун махсус таълимтарбия воситалари ва методларини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш масалалари билан шуғулланади.

1.5.Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 2 соат	Талаба сони:
Машгулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Логопедия фани предмети, мақсади ва вазифалари 2. Логопедиянинг методологик асослари фан сифатида логопедиянинг принцип ва методлари 3. Нутқ нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари 4. Нутқ нуқсонларининг таснифи 5. Нутқнинг анатомик – физиологик механизмлари
Укув машгулотининг мақсади: Талабаларга укув курси хақида тулик маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Укув фаолияти натижалари
➤ Логопедия фани предмети, мақсади ва вазифаларини санаб бериш.	➤ Логопедия фани предмети, мақсади ва вазифалари хақида бошлангич маълумотга эга булади.
➤ Логопедиянинг методологик асослари фан сифатида логопедиянинг принцип ва методларининг тавсифи? деган саволга жавоб бериш.	➤ Логопедиянинг методологик асослари фан сифатида логопедиянинг принцип ва методлари тавсифини тушуниб олади

➤ Нутқ нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ўзига хослиги нимадан иборатлигини билиш.	➤ Нутқ нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари ва нутқ нуқсонли болалар учун ташкил этилган муассасаларда болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Нутқнинг анатомик – физиологик механизмлари хақида билимга эга бўлиш.	➤ Нутқнинг анатомик – физиологик механизмлари хақида билим ва тасаввурга эга бўлади.
Таълим методлари:	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, гуруҳларда ишлаш, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска, кодоскоп.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мулжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Уқитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу бўйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. Таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган уқув ишланмалар билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу бўйича савол - жавоб утказди.	Савол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Логопедия фанининг вазифаларини ажратиб кўрсатинг? ➤ Нутқ нуқсонларининг асосий сабабларини таърифланг. ➤ Нутқ бузилишларининг алоҳида турларини таърифланг, бир неча бузилишларни қиёсий таҳлил қилинг. ➤ Марказий нутқ аппарати ва унинг бўлимлари вазифаси нималардан иборат? ➤ Артикуляция аппарати	Саволларга жавоб беришади

	органларининг кесими расмини чизинг. Унинг барча таркибий қисмларини рангли қаламлар билан бўянг.	
	➤ Нутқнинг анатомик – физиологик механизмлари мавзусида савол - жавоб утказди	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа бўйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга булинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	Кичик гуруҳларда ишлаш
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация килади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, камчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб уз жавобларини шархлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-босқич Якуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни урганиб келиш топшириғи берилади.	➤ Эксперт сифадида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб оладилар.





Логопедия бу — нутқ бузилишлари ҳақидаги махсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш ҳақидаги педагогик фандир. (Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни махсус педагогика сирасига қўшадилар.



Логопедиянинг асосий мақсади нутқда нуқсони бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш, шунингдек нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир. Логопедия фани оптимизм ва чуқур инсонпарварлик билан йўғрилгандир. У нутқда нуқсони бор болаларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиб беради.

Логопедиянинг юқорида кўрсатилган вазифаларида унинг ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлари белгилаб берилгандир.

**Амалий
томони**

Амалий томони — нутқ бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишни ўз ичига олади. Логопедиянинг назарий ва амалий вазифалари бирбирига чамбарчас боғлангандир.

**назарий
томони**

Назарий томони — нутқ бузилишларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тузатишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишдан иборат



Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

**Логопедия
вазифалари**

Фанлараро алоқалардан фойдаланиш ва нутқ ҳамда ундаги нуқсонларни ўрганувчи кўплаб мутахассислар (психологлар, нейропсихологлар, нейрорфизиологлар, тилшунослар, педагоглар, турли ихтисосдаги врачлар ва бошқа кишилар)ни ҳамкорликда иш олиб боришга жалб этиш;

Назария соҳасидаги янгиликларни амалиётга тезроқ татбиқ этиш учун фан ва амалиёт ўртасидаги алоқаларни, назарий ва амалий муассасалар орасидаги

Нутқнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш принципларини амалга ошириш;

Нутқ бузилишини олдини олиш учун аҳоли ўртасида логопедик билимлар тарғиботини олиб бориш.



Нутқ вазифаси инсоннинг муҳим руҳий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Нутқ ривожланиши жараёнида билиш фаолиятининг олий шакллари, тушунарли тафаккур қобилиятлари шаклланади. Сўзнинг аҳамияти ўз ўзидан умумлаштирувчи ҳисобланади ва шу муносабат билан ўзида нафақат нутқ бирлигини, балки тафаккур бирлигини ҳам намоён қилади. Улар айнан ўхшаш эмас ва маълум даражада бирбирига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Лекин боланинг руҳий ривожланиши жараёнида мураккаб, сифат жиҳатдан янги бирлик пўтқим тафаккур, нутқий фикрлаш фаолияти пайдо бўлади.



Нутқ бузилиши, нутқий муомаланинг чекланганлиги бола шахсининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, аслида бўлмаган руҳий бузилишларни, ҳиссий иродавий соҳанинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқариши, унинг характеридаги салбий фазилатлар (тортинчоқлик, қатъияйизлик, одамовилик, салбийлик, номукаммаллик туйғуси)нинг ривожланиши учун йўл очиб бериши мумкин.



Нутқ мураккаб функционал жараёндир. Унинг асосида мулоқот жараёнидаги тил белгиси тартибларидан қўлланиш ётади. Тилнинг мураккаб системаси узоқ муддатли ижтимоийтарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, у бола томонидан нисбатан қисқа муддатларда ўзлаштириб олинади.

Нутқий система бош мия аъзоларининг фаолиятига асосланади. Улардан ҳар бири нутқ фаолиятининг ўзига хос вазифасини бажаради.

А. Р. Лурия мия фаолиятини учта функционал блокка ажратади.

Биринчи блок бош мия пўстлоғи ости (юқори ствол ва лимбик область) ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. У бош мия қатлами тонусининг нормаллиги ва унинг тетиклик ҳолатини таъминлайди.

Иккинчи блок — орқа мия қатлами катта ярим шарлари бўлақларини ўз ичига олади, ташқи дунёдан олинган сезги ахборотларини қабул қилади, қайта ишлайди ва сақлайди. У билиш (гностик) жараёнини амалга оширадиган асосий мия аппарати ҳисобланади.

Учинчи блок катта ярим шарлар қобиғининг олдинги бўлимлари (мотор, мотор олди ва олд фронтал соҳа) доирани ўз ичига олади. Бу блок инсон фаолиятини режалаштириш, мослаштириш ва назорат қилишни таъминлайди.

Логопедиянинг методологик асослари, фан сифатида логопедиянинг принцип ва методлари



Системалилик принципи тил ҳақида мураккаб функционал система тўғрисидаги тушунчага таянади. Унинг тузилиш компонентлари ўзаро чамбарчас алоқада бўлади. Шу муносабат билан нутқни, унинг ривожланиши жараёнларини ва бузилишини тузатишни ўрганиш нутқ қурилиши системасининг барча компонентларига, барча томонларига таъсир этишини назарда тутати.



Ривожланиш принципи, шунингдек боланинг яқин ривожланиши доирасидан ўрин олган маълум вазифалар, қийинчиликлар босқичларни логопедик иш жараёнига ажратишни ҳам кўзда тутати.



Нутқ бузилишларини ўрганиш ва тузатишда дидактик принциплар: кўргазмалилик тушунарлилик, онглилик, яқка тартибда ёндошиш ва бошқалар муҳим ўрин тутати.

**Логопедия фани методларини шартли равишда бир
неча гуруҳларга бўлиш мумкин.**

Биринчи
г у р у х — ташкилий
методлар: қиёсий
лонгитюдиналь
(динамикада
ўрганиш),
комплексли.

Иккинчи
г у р у х н и эмпирик
методлар ташкил этади:
обсервацион (кузатиш),
экспериментал,
психодиагностик тестлар,
анкеталар, суҳбатлар,
интервью), нутқий
фаолиятни ҳам таҳлил
қилишнинг праксиметрик
усуллари, биографик
метод.

Учинчи
г у р у х г а олинган
маълумотларни
миқдор (математик
статистик) ва сифат
анализи киради.
Бунда олинган
маълумотлар ЭХМ
ни қўллаган ҳолда
машинада ишлаб
чиқилади.


Тўртинчи г у р у х — интерпретацион методлар, услублар,
ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни назарий тадқиқ қилиш
усуллари (қисмлар ва бутунлик ўртасидаги, алоҳида жиҳатлар ва умуман
ходиса ўртасидаги, функциялар ва шахс ўртасидаги ҳамда бошқа
алоқалар).

Логопеднинг шахси



Логопед нутқи атрофдагиларга — нафақат болаларга, балки катталарга ҳам
намуна бўлиши лозим. Логопед ягона нутқий тартибни таъминлайди, махсус болалар
муассасаларидаги ўрта ва кичик ходимларга нутқ маданиятини ўргатади, қатор
ҳолларда, масалан, махсус болалар уйлари шароитларида барча ўқувтарбиявий
жараёни бошқаради.

Нутқ бузилишлари қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:



Нутқнинг бузилиши аломати бу нутқий фаолиятнинг қандайдир бузилиши белгиси (намоён бўлиши) дир.



Нутқий бузилиш аломати — бу нутқий фаолият бузилишининг белгилари **мажмуи** (кўринишлари) дир.



Нутқ бузилиши механизмлари деганда нутқий фаолият бузилишининг пайдо бўлиши ва ривожланишини шарт қилиб қўувчи жараён ва операцияларнинг бажарилишидан четлашиш характери тушунилади.



Нутқ бузилишининг патогенези — бу нутқий фаолиятда бузилишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлувчи патологик механизмдир.



Логопедик таъсир нутқий фаолият бузилишини тузатиш, нутқи бузилган болани тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараёни ўз ичига олади.



Нутқ бузилишини тузатиш — нутқ бузилиши аломатини тўғрилаш ёки енгиллаштиришдир («нутқ бузилишларининг олдини олиш», «тузатиш» — бу борада қўлланиладиган атамалардир).



Компенсация (музлаш) организмнинг қандайдир ҳаракатларининг йўқолиши ёки бузилиши ҳолларидаги психологик функцияларни қайта қуришнинг кўп қиррали, мураккаб жараёнини ўзида намоён қилади.



Уқитиш — икки томонлама бошқариладиган жараёндир. У болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш борасидаги фаол билиш фаолиятини, бу фаолият устидан педагогик раҳбарликни амалга оширишни ўз ичига олади.



Тарбиялаш жамият эҳтиёжларига мувофиқ равишда шахснинг ёки унинг алоҳида сифатларининг шаклланиш жараёнини мақсадга йўналтирилган ҳолда узлуксиз, ташкилий тарзда бошқариш демакдир.



Қайта тарбиялаш жараёнида нутқий фаолияти бузилган кишиларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини тузатиш ишлари амалга оширилади.



Логопедик таъсир нутқ бузилишларини бартараф этишга (масалан, дислексияда), тўғрилашга (масалан, товушни қўйиш) ҳам, нутқсиз бузилишларнинг салбий аломатларини (руҳий хусусиятларини) йўқотишга ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

НУТҚНИНГ БУЗИЛИШ САБАБЛАРИ




Болаларда нутқ бузилишини юзага келтирувчи сабаблар ичида ташқи (экзоген) ва ички (эндоген) омиллар, шунингдек атрофмуҳитнинг ташқи шароитлари фарқ қилинади.

Нутқий нуқсоннинг турли сабабларини кўриб чиқишда эволюциондинамик ёндошилади. Бу нуқсоннинг юзага келиш жараёнини таҳлил қилишдан, аномал ривожланишининг умумий қонуниятларини ва ҳар бир ёш даврида нутқнинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олишдан иборатдир (И. М. Сеченов, Л. В. Внгоцкий, В. И. Лубовский).

Болалардаги нутқий нуқсонларнинг асосий сабаблари:

Ҳомиладорлик вақтидаги токсикозлар, вирусли ва эндокрин касалликлар, жароҳатлар, қоннинг резус-факторга мос келмаслиги;



Хамма нутқ бузилишлари келиб чиқишига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- **Органик характердаги нутқ бузилишлари.**
- **Функционал характердаги нутқ бузилишлари.**

Органик характердаги нутқ бузилишлари.

Марказий бузилишлар: марказий нерв системасини у ёки бу қисмларининг бузилиши, зарарланиши натижасида келиб чиқади.

Марказий характердаги органик нутқ бузилишларига: алалия, афазия, дизартрия нутқ камчиликлари киради.

Переферик бузилишлар: артикуляцион аппаратнинг нотўғри тузилиши ёки бузилиши ва переферик нерв артикуляцион органлар инервациясининг бузилишидан келиб чиқади.

Переферик характердаги органик нутқ бузилишларига: ринолалия, прогнатия, прогения киради.


Функционал характердаги нутқ бузилишлари.

Функционал бузилишлар — бунда нутқ жараёнида иштирок этадиган аъзолар тузилишида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди. Функционал характердаги нутқ бузилишларига — дислалия, дудукланиш каби нутқ нуксонлари киради.

Турли нутқ бузилишларининг ривожланишини олдиндан аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Агарда нуткий нуксон боланинг мактабга келган вақтида илк бор аниқланса, у ҳолда уни тузатиш қийинчиликлари кузатилиб, ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ



Баён қилишнинг структурали-семантик (ички) турланишидаги бузилиши икки тур: алалия ва афазия билан кўрсатилади.

Алалия — бош мия қобиғидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнидаги ёки илк ривожланиш даврида органик шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши. **Маънодошлари:** дисфазия, эрта ёшда пайдо бўладиган болалар афазияси, ривожланиш афазияси, гунглик (эскирган).

Афазия — бош миянинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

Маънодошлари: нутқнинг бузилиши, йўқолиши. **Бола нутқининг бош мия жароҳатланиши, нейроинфекция ёки мия шиши натижасида йўқолиши нутқнинг шаклланиб бўлганидан сўнг юз беради. Агар бундай бузилиш уч ёшдан**

Нутқнинг энг мураккаб нуқсонларидан бири, бунда нутқий баённинг пайдо бўлиши ва уни қабул қилишнинг барча босқичларидаги танлаш ва режалаштириш операциялари бузилган бўлади. Унинг натижасида боланинг нутқий фаолияти ривожланмай қолади.



Логопедияда нутқ бузилишларининг 11 та шакли ажратилади, улардан 9 таси оғзаки нутқ натижаси ва ишлаб чиқаришнинг турли жараёнларидаги бузилишларни ташкил этади. Қолган 2 та шакл эса ёзма нутқнинг бузилиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ажратиладиган бузилишларни ўз ичига олади. Оғзаки нутқнинг бузилишлари орасида **дисфония** (афония), **тахилалия**, **брадилалия**, **дудуқланиш**, **дислалия**, **ринолалия**, **дизартрия** (анартрия), **алалия**, **афазия** ажратилади; ёзма нутқнинг бузилишлари орасида **дислексия** (алексия) ва **дисграфия** (аграфия) ажратилади.

Ёзма нутқнинг бузилиши. Унинг қайси тури бузилганига қараб икки гуруҳга ажратилади. Махсулдор тур бузилганида ёзувнинг заифлашуви, рецептли ёзма фаолият бузилганида — ўқишнинг заифлашуви қайд қилинади.

Дислексия — ўқиш жараёнининг қисман ўзига хос бузилиши.

Харфларни идрок этиш ва танишдаги қийинчиликларда; харфларни бўғинларга қўшиш ва бўғинлардан сўз тузиш борасидаги тутилишларда (бу сўз шакллари нотўғри талқин қилишга олиб келади); аграмматизмда ва ўқиганларини бузиб

Дисграфия — ёзиш жараёнининг қисман ўзига хос равишда бузилиши.

Харфнинг оптикфазовий образининг турғун эмаслигида, харфларнинг аралашиб кетиши ёки тушиб қолишида, сўзнинг сўзбўғин таркибини баён қилиш, ва гап қурилишида намоён бўлади. Уқитиш давомида ёзиш жараёни шаклланмаган ҳолларида аграфия ҳақида фикр

Болалардаги ёзиш ва ўқишнинг бузилиши бу жараёнларни тўлиқ ҳолда амалга ошириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар орқали юзага келади.



Психологик-педагогик тасниф тиббий таснифларни педагогик жараёнда қўлланиш нуктаи назаридан танқидий таҳлил қилиш натижасида вужудга келди (бу услуб логопедик таъсир этиш дейилади). Бундай таҳлил логопедияни нутқий ривожланиши бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялашга жалб этиш билан боғлиқ ҳолда жуда муҳим бўлди.




Келтирилган таснифда нутқ бузилишлари икки гуруҳга бўлинади.
Б и р и н ч и г у р у х — муомала воситаларининг (нутқнинг фонетикфонематик ва умумий ривожланмай қолиши) **бузилиши.**

1. Нутқнинг фонетикфонематик ривожланмай қолиши — болаларда она тилини талаффуз қилиш системаси шаклланиш жараёнларининг фонемаларини идрок этиш ва талаффуздаги нуқсонлар оқибатида турлича нутқ заифлашувлари билан боғлиқ равишда бузилишидир.



2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмай қолиши — турли хил мураккаб нутқий камчиликдир, бунда нутқ системасининг товуш чиқариш ва маъноли томонларига тааллуқли барча компонентларининг шакллакиш жараёни бузилган бўлади. **И к к и н ч и г у р у х —** муомала воситаларини қўлланишдаги бузилиш (унга дудуқланиш ҳам киради)

НУТҚНИНГ АНАТОМИЛ-ФИЗИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ




У т к а з у в ч и й ў л л а р . Бош мия қобиғи периферик нутқ аъзолари билан ўзаро боғлиқдир.

Бунда нерв йўлларининг икки: марказдан қочувчи ва марказга интилувчи турлари иштирок этади.

Марказдан қочувчи (ҳаракатланувчи) нерв йўллари бош мия қобиғининг периферик нутқ аппарати фаолиятининг бошқарувчи мускуллари билан боғлайди.

Марказдан қочувчи йўл бош мия қобиғининг Брока марказидан бошланади.

Перифериядан марказга, яъни нутқ аъзолари қисмидан бош мия қобиғига, марказга интилувчи йўллар ўтади.



1- расм. Нутқ аппаратининг тузилиши:

1 — бош миё; 2 — бурун бўшлиғи; 3 — қаттиқ танглай; 4 — оғиз бўшлиғи; 5 — лаблар; 6 — тишлар; 7 — тил учи; 8 — тил орқаси; 9 — тил илдизи; 10 — кичик тилча; 11 — ҳалқум; 12 — ҳиқилдоқ; 13 — трахея; 14 — ўнг бронх; 15 — ўнг ўпка; 16 — диафрагма; 17 — қизилўнгач; 18 — умуртқа; 19 — орқа миё; 20 — юмшоқ танглай.



Марказий нутқ аппаратида нутқ аппаратига боровчи бу йўл нутқ механизмининг фақат бир қисмини ташкил қилади. Унинг бошқа қисми орқага, яъни перифериядан марказга қайтувчи алоқадан иборат.

Энди периферик нутқ аппаратининг тузилишини кўриб чиқамиз.


Периферик нутқ аппарати уч бўлимдан иборат:

1) нафас бўлими; 2) овоз бўлими; 3) артикуляцион бўлим.


Нафас бўлимига кўкрак қафаси, бронхлар ва трахея киради.



Овоз бўлими ҳиқилдоқ ва у билан бирга жойлашган овоз пайчаларидан ташкил топган. Ҳиқилдоқ нафас йўлининг бурун бўшлиғидан кейинги қисми. Ҳиқилдоқ ҳавонинг трахеяга ўтишини таъминлайди ва унга каттиқ, суюқ моддалар тушишига тўсқинлик қилади. Ҳиқилдоқда овоз пайчалари жойлашган бўлиб, улар нафас олганда, каттиқ ёки секин гапирганда муайян ҳолатни эгаллайди.



2 расм. Овоз бойламларининг кўриниши: а — нафас олишда; б — фонанияда (овоз ҳосил бўлишида); в — шивирлаш вақтида.



3 расм. Артикуляция аъзоларининг ён томондан кўриниши (профили):

1 — лаблар; 2 — тишлар; 3 — альвеолалар; 4 — каттиқ танглай; 5 — юмшоқ танглай; 6 — овоз бойламлари; 7 — тил илдизи; 8 — тил орқа қисми; 9 — тил олди

Артикуляцион бўлим. Артикуляцион бўлимнинг асосий аъзолари: тил, лаблар, жағ (юқори ва пастки), каттиқ ва юмшоқ танглай, альвиолалардир. Улардан тил, лаб, юмшоқ танглай ва пастки жағ актив, қолганлари пассив органлар бўлиб ҳисобланади (3 расм).



Артикуляцион бўлимнинг асосий аъзоси тилдир. Тил — салмоқли мускул аъзосидир. Ииғилган жағда (жағлар бирбирига тегиб турганда) у деярли бутун оғиз бўшлиғини тўлдиради. Тилнинг олдинги қисми ҳаракатчан, орқа қисми ҳаракатсиз бўлиб, тил илдизи номини олган. Тилнинг ҳаракатчан қисмининг учи, олд, ён ва орқа томонлари фарқ қилинади, Тилнинг мураккаб мускуллар системаси, уларнинг катта кенгликда шаклини ўзгартириш

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

1. Логопедияни фан сифатида таърифлаб беринг. Логопедиянинг предмети, объекти ва аҳамиятини шарҳланг.
2. Логопедиянинг мақсад ва вазифалари иималардан иборат?

Эксперт вараги № 2

3. Логопедия қайси фанлар билан боғланган?
4. Логопедиянинг методологик асослари, унинг принцип ва методларини очиб беринг.

Эксперт вараги № 3

5. Нутқ нуксонларининг асосий сабабларини таърифланг.
6. Нутқ бузилишларининг алоҳида турларини таърифланг, бир неча бузилишларни қиёсий таҳлил қилинг.

Эксперт вараги № 4

7. Марказий нутқ аппарати ва унинг бўлимлари вазифаси нималардан иборат?
8. Артикуляция аппарати органларининг кесими расмини чизинг (3расмга

Тест топшириклари

1. Логопедия фанининг асосий мақсади нимадан иборат?

- А. Нутқ бузилишининг олдини олиш методларини такомиллаштириш
- Б. Логопедик иш жараёнида сезувчанлик қобилятини ривожлантириш
- С. Нутқ бузилишларининг педагогик диагностикаси методларини ишлаб чиқиш
- Д. Нутқ бузилишининг кенг тарқалган аломатлари ва фаражларини аниқлаш;
- Е. Нутқда нуксони бор болаларни уқитиш, тарбиялаш, қайта тарбиялаш ва нутқ нуксонининг олдини олиш

2. Логопедия қайси фанлар билан боғланган?

- А. Тилшунослик, психолінгвистика, невропатология,

педиатрия, олигофрения клиникаси. Умумий махсус психология ва психодиагностика

Б. Анатомия, психология, математика, тилшунослик, сурдопедагогик, биология, тарих, химия

С. цаларингология, невропатология, психопатология, олигофрено клиникаси, педиатрия, тилшунослик ва психодиагностика

Д. Махсус психология, физиология, патопсихология, невропатология, нейрофизиология, тиббиёт, зоология;

Е. Дефектология, олигофрения клиникаси

3. Нутқ бузилишлари қелиб чиқишига кура неча гуруҳга бўлинади?

А. Марказий бузилишлар; алалия, афазия, дизартрия

Б. Органик функционал

С. Тереферик бузилишлар: артикуляцион аппаратнинг нотугри тузилиши ёки бузилиши

Д. Ринолалия, прогнатия, прогения

Е. Дислалия ва дудукланиш

4. Тереферик нутк аппарати неча булимдан иборат?

А. Нутк, харакат, нутк круув, нутк эшитув анамуаторлари

Б. Уч тармокли нерв, юз, тил, халкум, сайёр, кушимча ва тил оци нервлар

С. Нафас, овоз, артикуляция

Д. Резанатор, хаво етказиш, овоз хосил қилиш;

Е. Кучга, баландликка, тембрга

5. Тугри товушлар талаффузини ёлга қуйишда неча асосий усулдан фойдаланилади?

А. Белкуракча, косача, нинача

Б. Таклид, найча, кузикорин

С. Мазали мураббо, буёкча, галтак

Д. Тепача, аргимчок, механик

Е. Таклид, механик, аралаш

6. Псевдобулбар дизартрия неча даражага ажратилади?

А. Пац, баланд, монотон, манкалланган

Б. Умумий ва нуткий хириллаган

С. Лаб ва тил харакати чегараланган

Д. Кобик, кобик оци, миячали

Е. Енгил, урта, огир

7. Функционал афония қандай қуринишларга ажратилади?

А. Паретик, спазик, паретикспазик

Б. Мутизм, афания, дисфония, фонация

С. Органик, Функционал

Д. Марказий ва периферик

Е. Куркиш, аффе́ктив, рухий зурикиш

8. Афазия неча шаклга ажратилади?

А. Дислалия, дислексия, дисграфия, дизартрия

Б. Мотор, сенсор, амнецик, тотал

С. Бош мия жароҳатланиши, яллигланиши ва мияда кон-томир касалликлари

Д. Семантик, агромати́к, менецик, оптик, тактил

Е. Сигматизм, ротацизм, ламба́цизм, гама́цизм, хатизм

Глоссарий

Логопедия бу — нутқ бузилишлари ҳақидаги махсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш ҳақидаги педагогик фандир. (Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни махсус педагогика сирасига қўшадилар.

Логопатия – қарлик билан боглик булмаган ҳолда нутқнинг бузилиши.

Логопедик таъсир нутқ бузилишларини бартараф этишга (масалан, дислексияда), тўғрилашга (масалан, товушни қўйиш) ҳам, нутқсиз бузилишларнинг салбий аломатларини (рухий хусусиятларини) йўқотишга ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Нутқнинг бузилиши аломати бу нутқий фаолиятнинг қандайдир бузилиши белгиси (намоён бўлиши) дир.

Нутқий бузилиш аломати — бу нутқий фаолият бузилишининг белгилари мажмуи (қўринишлари) дир.

Нутқ бузилиши механизмлари деганда нутқий фаолият бузилишининг пайдо бўлиши ва ривожланишини шарт қилиб қўйувчи жараён ва операцияларнинг бажарилишидан четлашиш характери тушунилади.

Нутқ бузилишининг патогенези — бу нутқий фаолиятда бузилишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлувчи патологик механизмдир.

Компенсация (музлаш) организмнинг қандайдир ҳаракатларининг йўқолиши ёки бузилиши ҳолларидаги психологик функцияларни қайта қуришнинг кўп қиррали, мураккаб жараёнини ўзида намоён қилади.

Дисфония (афония) — товуш аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фанациянинг йўқ бўлиши ёки заифлашуви.

Брадилалия — нутқнинг патологик секинлашган суръати. Маънодоши: брадифразия.

Тахилалия — нутқнинг патологик тезлашган суръати. Маънодоши: тахифразия.

Дислалия — товуш талаффуз қилишнинг нормал эшитиш ва нутқ аппаратининг сақланган иннервацияси пайтида бузилиши

Ринолалия — товуш тембри ва талаффузининг нутқ аппаратидаги анатомикфизиологик нуқсонлар билан боғлиқ ҳолдаги бузилишдир

Дарслик ва ўқув қўлланмалар.

1. Аюпова М. Логопедия. “Ўзбекистон файласофлари миллий жамият нашриёти”, Т.:2007 й
2. Пўлатова П. Махсус педагогика (олигофренопедагогика). Т.:”Ғофур Ғулом”, 2006 йил.
3. Рахмонова В. Махсус педагогика Т.:”Ғофур Ғулом”, 2004 йил.
4. Сурдопедагогика под. Ред Никитиной М.И. – М.: “Просвещение” 2002 йил.
5. Литвак А.Г.Тифлопедагогика. М.: “Просвещение” 1982 йил.
6. Шоумаров Ғ.Б. Ақли заиф болалар психологияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1995 й.
7. Шоумаров Ғ.Б., Мамедов К.К. Рухий ривожланиши сустлашган болалар Т.: “Ўқитувчи”, 1995 йил
8. Мўминова Л, Аюпова М. Логопедия. Т.: “Ўқитувчи”, 1993 йил.
9. Селеверстова В.И. Понятийно – терминологический Словарь логопедия. М.: “Гуманитарный издательский центр ВЛАДАС” 1997 йил
10. Мўминова Л. Тутилиб гапирувчи ўсмирлар учун қўлланма. Т.: “Ўқитувчи”, 1980 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Белова Н.И. Специальная дошкольная сурдопедагогика. М.: “Просвещение” 1985 йил.
2. Рахмонова В.С.Дефектология ва логопедия асослари. Т.: “Ўқитувчи”, 1991 й.
3. Шомахмурова Р., Мўминова Л. Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1995 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1992 й.
5. Логопедия. (под. Ред. Л.С.Воковой) М.: “Просвещение” 1989 йил.
6. Мўминова Л. Болаларни логопедик текшириш ва ўқитиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1992 й.
7. Мамедов К.К. ва бошқалар .Олигофренопедагогика асослари .Т.: “Ўқитувчи”, 1994 й.

6- МАВЗУ: ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ



УМУМИЙ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ

Таълимий: Талабаларда нутқ камчиликлари ва уларни бартараф этиш йуллари хақида назарий билимларни бериш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Тарбиявий: Талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳларда ва индивидуал ишлаш қобилиятларини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини ортириш

Ривожлантирувчи: Талабаларда эркин фикрлаш ва мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.



Асосий маълумотлар



Нутқ товушлари талаффуз этиладиган сўзнинг кичик, айрим бир қисмидир. Товушни фонемадан фарқ қилмоқ керак. Фонема сўз маъноларини ифодалаш ва фарқлаш учун хизмат қиладиган нутқ товушшир. Фонемалар сони ягона умумхалқ тили ва унинг шеваларига кўра ҳар хил бўлиши ҳам мумкин.

1.6.Маърузани олиб бориш технологияси

Вакт – 2 соат	Талаба сони:
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	➤ Ўзбек тили фонемалари ва айрим унлилари характеристикаси ҳамда ундош фонемалар ➤ Дислалия ва унинг турлари ➤ Сигматизм ва унинг турлари ва турли хил сигматизмларни бартараф қилиш ➤ Ротацизм, ламдоцизм ва уни тузатиш усуллари ➤ Тил орқа чуқур тил орқа товушлари (К Г Х Қ Ғ Х) камчиликларни тузатиш ➤ Болаларда товушлар талаффузи ҳолатини текшириш ➤ Артикуляция гимнастика машқлари
Уқув машғулотининг мақсади: Талабаларга уқув курси хақида тулик маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар	Уқув фаолияти натижалари
➤ Ўзбек тили фонемалари ва айрим унлилари характеристикаси ҳамда	➤ Ўзбек тили фонемалари ва айрим унлилари характеристикаси ҳамда ундош

ундош фонемаларни санаб бериш.	фонемаларни хакида бошлангич маълумотга эга булади.
➤ Дислалия ва унинг турлари тавсифи? деган саволга жавоб бериш.	➤ Дислалия ва унинг турлари тавсифини тушуниб олади
➤ Сигматизм ва унинг турлари ва турли хил сигматизмларни бартараф қилиш ва уларнинг ўзига хослиги нимадан иборатлигини билиш.	Сигматизм ва унинг турлари ва турли хил сигматизмнинг келиб чиқиш сабаблари ва нутк нуқсонли болалар учун ташкил этилган муассасаларда болаларни уқитишдан мақсади ва вазифаларини санаб бера олади
➤ Ротацизм, ламдоцизм ва уни тузатиш усуллари хакида билимга эга булиш.	➤ Ротацизм, ламдоцизм ва уни тузатиш усуллари хакида билим ва тасаввурга эга булади.
Таълим методлари:	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, гуруҳларда ишлаш, технологияси, тест.
Таълим воситалари:	Маърузалар матни, маркер, доска, скотч, ватман, таркатма материаллар, доска.
Таълим шакли:	Фронтал, жамоавий иш.
Уқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар Билан таъминланган ва жамоавий ишлашга мулжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	Савол - жавоб, назорат саволлари.

Маъруза машгулотининг технологик харитаси

Фаолият боскичлари, вақти	Фаолият мазмуни	
	Уқитувчи	Талабалар
1 – боскич: Кириш қисми (15 мин)	1.1. Маъруза машгулотининг мавзусини баён этади ва мавзу буйича савол - жавоб утказади.	Савол - жавобда иштирок этади.
	1.2. Таркатма материалларни таркатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машгулотнинг мақсади ва режалаштирилган уқув ишланмалар Билан таништиради.	Тинглашади.
	1.3. Мавзу буйича савол - жавоб утказади.	Саол - жавобда иштирок этишади.
2-боскич Асосий қисм (55 мин)	2.1. Талабаларга қуйидаги савол ва топшириқларга уйлаб жавоб бериш таклифини киритади. Унли фонемалар қайси белгиларига кўра тавсифланади? ➤ Нима учун бола туғилгандан тўрт ёшгача бўлган даврда Ҳамма вақт талаффузида маълум бир камчиликлар ажралиб туради? ➤ Дислалиянинг қандай турларини биласиз? ➤ Дислалия нуқсонини таърифлаб беринг. ➤ Товушлар талаффузидаги камчиликлар	Саволларга жавоб беришади

	нимадан келиб чиқади? ➤ Дислалиянинг қайси турлари, кўринишлари мавжуд? ➤ Товушлар талаффузидаги камчиликлар қайси йўллар билан бартараф этилади? ➤ Ротатизм ва параротатизмни таърифлаб беринг. ➤ Тил орқа товушларининг нотўғри талаффузи ва уни бартараф этиш усуллари қандай? ➤ Болалар нутқини текшириш йўлларини айтинг	
	➤ Товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш усуллари мавзусида савол – жавоб утказди	Савол - жавобда иштирок этишади
	➤ Режа буйича маърузанинг мазмуни презентация асосида ёритади. ➤ Талабалар 4 та кичик гуруҳларга булинади ва уларга мавзуга доир тест саволлари ҳамда топшириқларни тузиш вазифаси берилади.	Кичик гуруҳларда ишлаш
	➤ Гуруҳ иштирокчиларидан бири презентация килади. ➤ Презентация жараёнида талабалар билан биргаликда ҳар бир гуруҳнинг жавоблари таҳлил қилиниб, камчиликлари тулдирилади.	➤ Гуруҳ сардорлари чиқиб ўз жавобларини шарҳлашади. ➤ Эксперт гуруҳи аъзолари жавоблар мазмунини тулдиришади ва баҳолашда иштирок этишади.
3-боскич Якуний қисм (10 мин)	➤ Мазуни яқунлаб, умумлаштириб, хулоса беради.	➤ Хулоса ёзиб борилади
	➤ Бажарилган ишлар баҳоланади. ➤ Уйга вазифа сифатида Алоҳида ёрдамга мухтож болалардаги нуксонларни урганиб келиш топшириғи берилади.	➤ Эксперт сифатида иштирок этишади ➤ Топшириқни ёзиб оладилар.



Ўзбек тилида 6 та унли товуш бўлишига қарамай, шу тилнинг баъзи шеваларида унли фонемалар сони 6—7 дан тортиб, 18 тагача бўлади. Шунингдек, ҳар бир тилнинг фонемалар системаси сифат ва миқдор жиҳатдан бир хил эмас: бир тилда фонемалар сони кўпроқ, бошқасида эса озроқ бўлиши мумкин. Масалан, рус тилида 42 та, ўзбек тилида 29 та фонема бор.

Унли товушлар тил ҳаракатига нисбатан
олинганда уч тоифага бўлинади:

1,2,3

Тилнинг
горизонтал
ҳаракатига
алоқадор
товушлар.

Тилнинг
ҳаракатига
товушлар.

вертикал
алоқадор

Лаблар иштирокига
алоқадор товушлар.



Дислалия термини грекча сўздан олинган бўлиб — бузилиш, —нутқ деган маънони англатади.

Дислалия нутқ бузилишлари орасида энг кўп тарқалган камчиликдир.

Этиологик белгиларга кўра дислалия икки турга бўлинади: механик (органик)
ва функционал дислалия.

Механик
дислалия


Функционал
дислалия

Механик (органик)
дислалия периферик
нутқ аппаратининг (тил,
жағ, танглай, тиш)
органик бузилиши
натijasидир.

Функционал
дислалияда периферик
нутқ аппаратининг
артикуляцион қисмида
ҳеч қандай органик
бузилишлар,



Жағ тузилишидаги камчиликлар прикус нонормалликларига олиб келади. Нонормал прикуслар бир неча хил кўринишда бўлиши мумкин. Прогнатия — юқори жағ олдинга томон чиққан бўлади. Бунинг натижасида пастки олдинги тишлар юқоридаги тишлар билан бирлашмайди



4 расм. Прогнатия. 5 расм. Прогения. 6 расм. Олдинги очик прикус.
Прогения — пастки жағ олдинга чиққан бўлади



Очик прикус — юқори ва пастки жағлар бирлашганда улар орасида оралик масофа қолади. Айрим ҳолларда бу оралик фақат олдинги тишлар орасида бўлади (олдинги очик прикус) (6 расм).

Ёни очик прикус ўнг томонли, чап томонли ва икки томонли бўлиши мумкин.

Тишларнинг (тиш қаторининг) нотўғри тузилиши ҳам дислалияга сабаб бўлиши мумкин.



Функционал дислалиянинг кенг тарқалган сабабларидан бири оилада бола нутқини нотўғри шакллантиришдир. Айрим оилаларда катталар бола нутқига тақлид қиладилар. Болани суйиб, у билан «бола тилида» сўзлашадилар. Бунинг натижасида болада товушларнинг тўғри талаффузи кеч ривожланади.



Дислалиянинг турлари

Товушларни «отўғри талаффуз этиш она тилида ҳамма товушларда учратиш мумкин.

Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган: сонор (р, л), сирғалувчи (с, з, ц) ва шовқинли (ш, ж, ч), тил орқа (к, г) товушларида учрайди.

Болаларга товушлар талаффузининг бузилиши товушларни нутқда йўқлиги, уларни бузиб талаффуз этиш ва бирбири билан алмаштириш ҳоллари билан намоён бўлади.

дислалия қуйидаги турларга ажратилади

1,2,3

Сигматизм (грекча «сигма» «с» ҳарфининг номини билдиради). Бунда сирғалувчи (с, з, ц) ва шовқинли (ш, ж, ч) товушлар талаффузда камчиликлар

Ротацизм (грекча ро ҳарфи номидан олинган бўлиб, «р» товушни билдиради) р товушининг талаффуздаги камчиликлардир.

Ламбдацизм — (грекча ламбда ҳарфини номидан олинган бўлиб, л товушни билдиради). л товушининг талаффуздаги камчиликдан иборат.



Тил орқа товушларидаги камчиликлар:

каппацизм — к товушининг нутқда йўқлиги, паракатацизм «к» товушни алмаштирилиши. Масалан, копток — «топто», китоб — «титоб»;

гаммацизм — г товушининг нутқда йўқлиги, парагаммацизм — г товушининг алмаштирилиши. Масалан, гул — «дул», гилам — «дилам»;

хитизм — х товушининг нутқда йўқлиги, паракхитизм х товушининг алмаштирилиши. Масалан, хат — «тат», хўроз — «тўроз»;

йотацизм — й товушининг нутқда йўқлиги, парайотацизм й товушининг алмаштирилиши (грекча каппа, гамма, хи, йота ҳарфларини номидан олинган бўлиб, к, г, х, й товушларини билдиради).


Жаранглатиш нуқсонлари — жарангли ундош товушлар талаффуздаги камчиликлар. Бу камчиликлар жарангли ундош товушларни жарангсиз ундош товушларга алмаштирилишидир: б—п, д—т, в—ф, з—с, ж—ч, г—к ва бошқалар.



Сигматизм ва уни бартараф этиш

С, з товушлари. Бу товушлар сирғалувчи товушлар группасига киради. Уларнинг талаффуздаги камчиликларни тўғрилаш, юқорида қайд этилганидек, болада бу товушларни эшитиб, уларни бирбиридан фарқлаш малакаларини ривожлантиришдан бошланади. Сўнгра артикуляцион машқлар ўтказилади. Кейин эса шу товушларнинг тўғри артикуляцияси ўргатилади.

- талаффуз вақтида лаблар илжайгансимон очик;
- пастки ва устки тишлар эса бирбирига тегартегмас даражага яқин ҳолатда бўлади;
- тилнинг учи ёйилиб, юқори милкка тегартегмас ҳолатда бўлади, яъни тилнинг сатҳи билан қаттиқ танглай орасидаги масофа торайиб боради, юмшоқ танглай эса бир оз кўтарилади.



7 расм. С, 3 товушлари 8 расм. Ц товуши арти


- артикуляцияси профили. куля ияси профили.
- Ҳаво оқими тил ва юқори милкдан сирғалиб чиқади.
- 3 товушининг талаффузи с товуши артикуляцион ҳолатига ' ўхшашдир, фақат унга овоз қўшилади (7 расм).

Ц товуши

Ц товуши (8 расм) қоришиқ товушдир. Ц товуши мураккаб артикуляция билан ҳосил бўлади. Тилнинг олдинги қисми милкка тақалади, лекин портлаш юз бермай, оғиз бўшлиғига келган ҳаво асосан сирғалиб чиқиб кетади. Тўла бўлмаган ана шу портлаш натижасида қоришиқ Т + С = Ц ундоши ҳосил бўлади.

Ш ва Ж товушлари

Ш — шовқинли, сирғалувчи тил олди товуш (9расм). Бу товушни талаффуз этаётганда лаблар бир оз чўччаяди, юқори ва пастки тишлар бирбирига жуда яқинлашади, тил учи муаллақ ҳолатда бўлиб, салгина қисқаради ва ёзилиб тепа тишларга томон кўтарилади. Пастки жағ эса жипслашади. Тил учи ва тишлар оралиғидан сирғалиб чиққан ҳаво тўлқини Ш товушини вужудга келтиради.



9 расм. Ш. Ж товушлари 10 расм. Ч товуши арти
артнкуляцияси профили. куляцияси профили.

Ж — товушини талаффуз этаётганда пастки тишлар қатори бир оз пастга туширилади, тил учи танглай томон кўтарилади, овоз пайчалари эса жипслашган ҳолатда бўлиб енгил титрайди.

Ч товуши

Ч товуши талаффуз этилаётганда лаблар бир оз чўччаяди, тилнинг олдинги қисми милкка тегади, оғиз бўшлиғига келган ҳаво сирғалиб чиқиб кетади. Тўла бўлмаган ана шу портлаш ва ҳавонинг сирғалиб чиқиши натижасида қоришиқ т + ш = ч, д + + ж = ч ундошлари ҳосил бўлади. Овоз пайчалари жипслашиб, ҳаво оқими кучли бўлади (10 расм).

Турли хил сигматизмларни бартараф қилиш

Сигматизм турлари

1. Тиш аро сигматизм. Бунда сирғалувчи ва шовқинли товушларни талаффуз этишда тилнинг учи юқри ва пастки тишларнинг орасида бўлади.

2. Лаб тиш сигматизми. Сирғалувчи ва шовқинли товушлар ф ва в товушларига ўхшаб талаффуз қилинади.

3. Тил олди сигматизми. Сирғалувчи товушлар қуйидаги ҳолатда талаффуз этилади.

4. Шовқинли сигматизм. Бунда тилнинг учи тишларга тегиб турмасдан оғиз ичига тортилади, тилнинг орқа қисми эса кўтарилади, натижада портлаш ўрнига юмшоқ ш, ж товуши эшитилади.

5. Ён сигматизм. Сирғалувчи ёки шовқинли товушлар икки хил оҳангда талаффуз этилади: тилнинг учи альвеолаларга тақалиб туради, тилнинг қолган қисми эса қирра бўлиб оғиз бўшлиғида ётади ва бир томони билан орқа жағ тишлари томон кўтарилади, ҳаво оқими тилнинг ёнидан ўтади, натижада ёқимсиз товуш пайдо бўлиб, ҳаво оқими ён томондан чиқади.

6. Бурун сигматизми. Нутқнинг бундай нуқсониди сирғалувчи ва шовқинли товушлар талаффузи. пайтида тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай пастга тушиши натижасида ҳаво оқими бурун орқали чиқади ва х товушига ўхшаш, беўхшов товуш пайдо бўлади.

Сигматизмларни бартараф этиш

1. Тиш аро сигматизмини бартараф этишда логопед болага юқори ва пастки тишларни бирбирига яқинлаштириб, тилнинг учини пастки тишлар орқасига қўйиб с товушини талаффуз этишни буюради ва с товуши аниқ эшитилмаса унга ёрдам беради.

2. Лаб ва тиш сигматизмини бартараф этишда логопед болага (с товушининг талаффузида) лабларни юқори ва пастки томонга (бунда милқлар кўриниши керак) йўналтиришни таклиф этади.

3. Тил олди сигматизмини бартараф қилишда логопед икки усулдан фойдаланиши мумкин:

а) ҳаво оқимини юқори ва пастки тишлар орасидан чиқариш; бунда логопедик махсус зонд ёки гугурт чўпи ёрдамида тилнинг учини пастки тишнинг орқасида енгилгина босиб турилади ва ҳаво чиқарилади;

б) тилнинг учини кенг ёйиб юқори ва пастки тишлар орасига олиш ва ҳаво оқимини чиқариш.

4. Шовқинли сигматизмини бартараф этиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган тил олди сигматизмини бартараф этишнинг «б» пунктидаги усулдан фойдаланиш мумкин.

5. Бурун сигматизмини, бартараф қилишда ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан ўтказилади. Бунинг учун турли ўйин машқларидан фойдаланилади.


Ротацизм ва уни тузатиш

1. Веляр ротацизм (грекча — юмшоқ танглай). Бунда тил илдизи юмшоқ танглайнинг пастки четига яқинлашади ва у ерда оралиқ (тирқиш) ҳосил бўлади. Шу оралиқдан ўтаётган ҳаво оқими юмшоқ танглайда тартибсиз титраш (вибрация) ҳосил қилади. Натижада овозга қўшилиб шовқин чиқади.

2. Увиляр ротацизм (грекча шшla— тилча), бунда тил учи тебраниши ўрнига>, фақат тилча тебранади.

3. Кучерский ротацизми — бунда тил учи тебранмай, лаблар жипслашиб тебранади.

4. Ён ротацизм, бунда тил учи тебраниши ўрнига, тилнинг ёи томони тебранади, натижада ноаниқ **р** товуши ҳосил бўлади.



Р товушини ҳосил қилишда бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин.

1 у с у л. Логопед ойна олдида ўтирган болага оғзини катта очишни ва тил учини юқори тиш орқасига (альвеолалар томон) кўтариб з товушини талаффуз этишни таклиф этади ва ўзи махсус зонд ёрдамида тил юганчасини тебратиб р товушига ўхшаш товушни ҳосил қилдиради. Сўнгра механик воситалар ёрдамида вужудга келган р товуши очик, ёпиқ бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеър ва топишмоқларда мустаҳкамланади.

2 у с у л. Логопед р товушини ҳосил қилиш учун болага юқоридаги усулни қўллаган ҳолда ж товушини айттиради ва бунда ҳам механик воситалардан фойдаланади.

3 у с у л. Логопед болага бир нафас чиқаришда д товушини баланд овозда айтишни таклиф этади. Талаффуз вақтида боланинг ўзи тилининг учини тепа альвеолаларга урилиб туришини ойна орқали кузатиб туриши лозим. Тил учининг урилиш суръати тезлашади ва тил учининг тебраниш ҳолати ҳар хил дддд... вазнда бўлади. Ҳар хил вазнда чиққан товуш очик ва ёпиқ бўғинларни талаффуз эттириш ёрдамида машқ қилдирилади:

дидаа ааааа ааааа

аааао оаааа оаааао

аааау уаааа уаааау

ааааў ўаааа ўааааў

Тил учининг тебраниши натижасида р товуши ҳосил бўлгач, у бўғин, сўзларни, шеърларни айттириш билан мустаҳкамланади.

Ламбдацизм ва уни тузатиш

Талаффуз вақтида л товуши ҳосил бўлмаса, бу ҳолат ламбдацизм деб аталади. Талаффуз вақтида л товуши бошқа товушлар билан алмаштирилса, бундай ҳолат параламбдацизм дейилади.

Л товуши талаффуз этилганда артикуляцион аъзолар куйидаги ҳолатда бўлади (12расм): лаблар ундош товушдан сўнг келадиган унли товуш ҳолатини олади;

— тил учи юқорига кўтарилиб, альвеолаларга қаттиқ тегади ва бир оз зарб билан пастга тушади;

— тилнинг ўрта қисми ёй шаклига киради;

— тилнинг орқа қисми бир оз юқорига кўтарилади;

— юмшоқ танглай юқорига кўтарил 12 расм. Л товуши артикуляция профили учун ҳаво оқими бурунга ўта олмайди;



— овоз пайчалари жипслашган ҳолатда бўлади. Л товуши куйидаги товушларга алмаштирилади. л^р; л^в; л^у; л+й.

**Л товушини
ҳосил қилиш учун бир
нечта усуллардан
фойдаланиш мумкин.**

1 у с у л . Логопед бола билан бирга ойна олдига ўтириб, унга тилини ясси ҳолатда қори ва пастки тишлар орасига олишни ва тил учини енгилгина тишлаган ҳолда овоз қаришни таклиф этади. Шунда Л товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Бундай машқ иқ товуш ҳосил бўлмагунча такрорланади.

2 у с у л . Бунда логопед болага тилни янада яссц ҳолатга келтириб, тишлар орасига иши ва тил учини енгилгина тишлаб, и товушини талаффуз этишни таклиф этади. унда л товуши ҳосил бўлади.

3 у с у л . Логопед болага а товушини талаффуз қилишни ва шу заҳотиёқ тилнинг ини кенг ёйиб енгилгина тишлашни таклиф этади. Бунда л товуши аниқ ҳосил бўлади. ундан сўнг л товушини тўғри артикуляцияда талаффуз этиш ўргатилади. Л товуши ткда аниқ ва тўғри ҳосил бўлгач, у бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеърларда стаҳкамланади.

Логопедик машғулотлар жараёнида бола ўз талаффузини назорат қила олиши ва ўз нутқини атрофдагилар нутқига таққослаш асосида талаффузидаги камчиликларни тўғрилай олиш малакасига эга бўлиши керак.

**Логопедик ишлар
системасини шартли
равишда олти даврга
бўлиш мумкин:**

I давр — нутқсиз товушларни билиш.

II давр — бир хил товуш, сўз бирикмаси ва ибораларда овознинг баландлиги, кучи, тембрини ажратиш.

III давр — товуш таркиби бўйича ўхшаш сўзларни ажратиш.

IV давр — бўғинларни фарқлаш.

V давр — фонемаларни фарқлаш.

VI давр — товушларни оддий таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириш.

**Статик
тайёргарлик
машқлари**

1. «Белкуракча». Тил кенг ҳолда чиқарилиб, бўшаштирилади ва пастки лаб устига қўйилади. Бунда тил титрамаслиги керак. Тил шу ҳолда 10—15 дақиқа ушлаб турилади (14расм).

2. «Қосача». Оғиз кенг очилади, тил кенг чиқарилиб юқорига кўтарилади. Тил юқори тишлар томон олиб бооилади, лекин уларга теккизилмайди. Шу ҳолда тил 10—15 дақиқа ушлаб турилади (15расм).

3. «Нинача». Оғиз очилади. Тил олдинга томон ингичка қилиб чиқарилади. Шу ҳолатда 15 дақиқа ушлаб турилади (16 расм).

4. «Тепача». Оғиз ярим очилади. Тилнинг орқа ёнлари юқори жағ тишлар билан қисилади. Тилнинг учи пастки олдинги тишларга тиралади. Бу ҳолат 15 дақиқа ушлаб турилади (17расм).

5. «Найча». Тил кенг ҳолда чиқарилади. Тилнинг икки ён томони юқори томон букланади. Ҳосил қилинган найчадан пуфланади. >

Машқ секин суръатда 10—15 марта бажарилади (18расм). Айтиб ўтилган машқларнинг ҳар бири аниқ, секин 8—10 марта бажарилади.

**Динамик
тайёргарлик машқлар**

1. «Соатча». Тил узунингичка қилиб чиқарилади. Сўнг шу ҳолда тил оғизнинг ўнг бурчагидан чап бурчаги томонга қараб ҳаракатта келтирилади. Машқ 15—20 марта бажарилади (19расм).

2. «От». Тил танглай томон сўрилиб, сўнг қўйиб юборилади. Шунда тил тақиллаган овоз чиқаради. Тилни тақиллатиш секин ва кучли бўлиши керак. Бу машқ 10—15 марта бажарилади (20 расм).


3. «Қўзиқорин». Оғиз очилади. Тил танглай томон сўрилади, шунда **тил** танглайга қаттиқ жипселади. Бу ҳолда тил ушлаб турилади, шу вақтнинг ўзида пастки жағ пастга томон туширилади. Бу машқ 10—15 марта бажарилади. Бу машқнинг «От» машқидан фарқи шуки, тил танглайга жипсдашгач, қўйиб юборилмайди (20расм).

4. «**Арғимчоқ**». Тил узунингичка қилиб чиқарилади, сўнг навбатманавбат гоҳ бурун, гоҳ ияк томон олиб борилади. Бу вақтда оғиз бекитилмайди. Машқ логопед саноғи остида 10—15 марта бажарилади (21расм).


5. «**Мазали мураббо**». Тил кенг ҳолда чиқарилади, сўнг юқори лаблар яланади ва тил оғиз ичига олинади. Бу машқ 10—15 марта қайтарилади (22расм).

6. «**Бўёқчи**». Тил чиқарилади, оғиз ярим очик ҳолда бўлади. Тил билан аввал юқори лаб, сўнг пастки лаб айлана бўйлаб яланади. Бу машқ йўналишни ўзгартирган ҳолда 10 марта бажарилади (23расм).


7. «**Ғалтаю**». Тил учи олдинги пастки тишлар орқасига тиралади. Тилнинг орқа ён томони юқоридаги жағ тишлар билан қисилади. Бу машқ 15 марта бажарилади (24расм).



14- расм. «Белкуракча» артикуляция машқи.




15- расм. «Қосача» артикуляция машқи.



16- расм. «Нинача» артикуляция машқи.




17- расм. «Тепача» артикуляция машқи.




18- расм. «Найча» артикуляция машқи.



19- расм. «Соатча» артикуляция машқи.



20- расм. «Ст» артикуляция машқи.



21- расм. «Арғимчоқ» артикуляция машқи.



22- расм. «Мазали мураббо» артикуляция машқи.



23- расм. Бўёқчи артикуляция машқи



24 расм. «Ғалтак» артикуляция машқи.

Назорат учун савол ва топшириқлар

Эксперт вараги № 1

7. Унли фонемалар қайси белгиларига кўра тавсифланади?
8. Дислалиянинг қандай турларини биласиз?

Эксперт вараги № 2

5. Талаффузида камчилиги бўлган болаларни яқиндан ўрганинг.
6. Махсус болалар боғчасида логопед машғулотини кузатинг ва анализ қилинг.

Эксперт вараги № 3

3. Дислалия нуксонини таърифлаб беринг.
4. Товушлар талаффузидаги камчиликлар нимадан келиб чиқади?

Эксперт вараги № 4

1. Товушлар талаффузидаги камчиликлар қайси йўллар билан бартараф этилади?
2. Ротатизм ва параротатизмни таърифлаб беринг.

Тест топшириқлари

1. Ринопапияни қайси турлари мавжуд?

- А. очик, ёпик, ва аралаш ринопапия
- Б. клоник, тоникк ва клонотолик
- С. лаб-тиш, ва тишлараро
- Д. сенсор, мотор ва смантик

2. Ринология нутк нуксони нима?

- А. тутилиб гапириш
- Б. манкаланиб, димог билан гапириш
- С. товушлар талаффузини бузилиши
- Д. Секин гапириш

3. Нутк нуксонлари хақида тушунча

- А. артикуляция
- Б. товушларни куйиш
- С. тил, лаб, танглай, бурун, жаг ва тиш камчиликлари
- Д. Эшитишни бузилиши

4. Дудукланиш нима?

- А. айрим бугин ва товушларни кайта такрорлаши;
- Б. бугин ва товушларда тухталиб қолиш;
- С. айрим сузларни кайта такрорлаш

Д. барча жавоблар тугри

Е. «Р» харфини айтолмаслик

5. Сигматизм неча турга булинади?

- А. тил олди, шовкинли, лаб-тиш
- Б. парасигматизм, ён, бурун
- С. тиш аро, лаб-тиш, тил олди, шовкинли, ён

Д. Сховкинли, бурун, лаб ва тил

Е. Бурун, шовкинли, тиш аро

6. «Р» товушини ҳосил қилишда неча усулдан фойдаланиш мумкин?

А. 2

Б. 4

С. 6

Д. 3

Е. 5

7. Ротатизмни турлари номини айтинг

А. гаммацизм, велер, хитизм

Б. кучерский, каппацизм, ён

С. веляр, увияр, кучерский, ён

Д. Тотацизм, ламацизм, веляр

Е. Увияр, ён, ротацизм

Адабиётлар

1. *М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов. Ўзбек тили*. Т, 1966.
2. *Т.Б.Фишечёва* и др. Основы логопедии. М, "Просвещение", 1989. ,
3. *Р.Шомахмудова, Л.Р.Мўминова*. Богча ва кичик мактаб ёшидаги болалар талаффузидаги
нуксонларни тузатиш. Т, "Ўқитувчи", 1981.
5. *А.М.Фомичёва, К.Шодиева*. Мактабгачатарбия
шидаги болаларнинг талаффузга ўргатиш. Т, "Ўқитувчи", 1984.
6. *Б.М.Ф.Фомичёва*. Воспитание детей правильного произношения. М, 1981.
Б.Г.Каше. Исправление недостатков речи у дошкольников. М, 1972.
7. Логопедия . По ред. Л.С.Волковой. М, "Просвещение", 1989.
К.Л.Р.Мўминова ва бошқалар. Логопедия. Т, "Ўқитувчи", 1993.